Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411-ЙИЛ ШАЪБОН, 9-КУН • ШАМСИЙ 1369 ЙИЛ ҲУТ, 5-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган • 1991 йил 23 февраль, шанба № 39 • НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ТУРКИСТОНЧИ ЖАНГЧИЛАРГА, СОВЕТ АРМИЯСИ ВЕТЕРАНЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни катта байрам — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти куни билан чин қалбдан табриклашга рухсат этгайсиз. Меҳнат билан шоншуҳрат қозонган кишиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамма вақт халқларнинг азалий анъанаси бўлиб келганлигини биласизлар. Турли касблар бор, ҳар бир касбнинг ўз хусусияти, ўз қийинчиликлари ва ўзига хос аҳамияти бор.

Лекин жангчи касби, Ватан ҳимоячиси касби ҳамиша алоҳида ҳурмат қилинган. Бу энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган энг алоҳида истеъдод, ўзига хос иқтидордир. Жангчи касби кишидан мислсиз меҳрумликлар, қийинчиликлар ва синоаларга, энг оғир шароитларга бардош бериш қобилиятини талаб қилади.

Бу касб одамдан юксак маънавий кучни, матонатни — мен бу сўзни айтишдан уялмайман — қаҳрамонликни, ўз бурчига чексиз садоқатни, ўз ҳаётини бағишлаган ишга садоқатни талаб қилади.

Очиғини айтаман, ҳозир мен ўз шаъни ва қадр-қимматини яхши биладиган кишиларни бошқа муҳитдагига нисбатан кўпроқ учратяпман. Яна шунисси ҳам муҳимки, эрлари ва оталари билан бир қаторда уларнинг оилалари, рафиқалари ва болалари ҳам жанговар меҳнат оғирликларини бошидан кечирадиган бошқа касб йўқ.

Бугун, байрам куни, шу тантанали дақиқаларда барча туркистончи жангчиларга, уларнинг ота-оналарига ва ёр-биродарларига самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман. Қуролли кучларнинг ветеранларига, Ўзбекистон заминида улғайган барча жангчиларга уларнинг қаҳрамонона жасорати учун, Ватанимизнинг, кўп миллатли мамлакатимизнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш юзасидан барча қардош халқлар билан биргаликда қилган ҳамма ишлари учун алоҳида миннатдорчилик сўзларини айтаман.

Кимки оталаримиз ва боболаримизнинг жанговар ғалабаларини тушунмас ва қадрламас экан, кимки ҳозирги кунимиз, мусаффо осмонимиз минглаб ва миллионлаб жангчиларнинг қони, қаёти эвазига келганлигини тушунмас экан, у умуман ҳаётда ҳеч нарсани тушунмайди.

Шунинг учун ҳам биз ўтмишимизни қоралаётган, тарихимизга лой чаплаётган кишиларнинг армиямизга ҳужумларини рад этамиз, биз камситишларни мақбул кўра олмаймиз, ҳозирги пайтда биз армиямиз кўпинча камситилмоқда.

Сизларни ишонтириб айтаманки, армияга ҳурмат халқимизнинг, ўзбекларнинг, барча маҳаллий кишиларнинг анъанасидир, бинобарин, биз бу ҳурмат ва эҳтиромни қўллаб-қувватлаш учун ҳамма ишни қиламиз. Чунки армияни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш — ўз фарзандларимизни, акаукаларимизни, неваларимизни ҳурмат қилиш эканлигини биламиз. Бу ерда, Ўзбекистонда биз армияга қандай муносабатда бўлсак, бошқа жойларда ва минтақаларда ҳам бизнинг фарзандларимизга худди шундай муносабатда бўлишади.

Ҳа, биз ўз ҳимоячиларимизни, тинчлик ва тартиб посбонлигида турган кишиларни ҳимоя қила олишимиз керак. Бу айниқса биз раҳбарларга тааллуқлидир. Биз ҳарбий хизматчилар ҳозир бошидан кечираётган қийинчиликларни ва меҳрумликларни енгиллаштириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз, ҳамма ишни қилишимиз, армияда интизом ва тартибни мустаҳкамлашимиз, армия сафларида хизмат қилаётган барча миллатлар ва элатлар вакилларини жипслаштиришимиз керак.

Бизнинг бурчимиз ҳар бир она ўз фарзандини армияга кузатар экан, эртага у маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ва чиниқиб қайтиб келишига ишончи комил бўлиши учун ҳамма ишни қилишдан иборат. Армияни асраш, унинг обрўсини тиклаш керак. Армияни халққа қарама-қарши қўймаслик учун барча ишни қилиш зарур.

Мамлакатнинг айрим минтақаларида биз шундай аҳволни кўраяпмизки, у ҳеч нарсага арзимайди. Армия ўз иши билан шуғулланиши керак. Ички қарама-қаршиликларимизни ҳал қилиш учун эса халқ милицияси бор, бунинг учун жавобгар бўлган муассасалар бор.

Бугун республика раҳбарияти номидан мурожаат қилиб сизларни ишонтириб айтаманки, сизлар хизмат бурчингизни хотиржам ва муносиб ўташингиз учун биз ҳамма ишни қиламиз.

Сизларни байрам билан яна бир бор табриклайман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, байрам кайфияти тилайман.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Республика Олий Кенгашининг раёсати «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида СССР референдумини ўтказишнинг айрим масалалари ҳақида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати СССР Олий Кенгашининг тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан 1991 йил 17 мартда СССР референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорининг катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятини эътиборга олиб ва Ўзбекистон халқи ўз иродасини тўлақонли акс эттиришини таъминлаш, СССР референдумида овоз бериш учун бюллетенга киритилган саволнинг моҳияти ва мазмунини очиб бериш мақсадида **қарор қилди:**

Тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР референдумида овоз бериш учун асосий бюллетень билан бир қаторда қўшимча бюллетень тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши раёсатига, халқ депутатлари вилоят, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка советларига қонунининг қоидаларини ҳамда референдумда сайловчиларнинг иштироқ этиши тартибини аҳолига тушунтириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш, бу ишга халқ депутаталарини, совет ходимларни, ҳуқуқшуносларни кенг жалб этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети, газета ва журналларнинг таҳририятлари, бошқа оммавий ахборот воситалари меҳнаткашларга СССР умумхалқ референдуми тўғрисидаги СССР қонунидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ва кафолатлари, фуқароларнинг овоз беришда қатнашиш қоидаларини кенг тушунтиришлари зарур.

СССР референдумини ўтказиш республика марказий комиссиясига, тегишли вазирликлар ва идораларга топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бенуқсон ишлаганлиги, жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ёш авлодни тарбиялашда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССРнинг фахрий эрлиги билан мукофотлансин:

Жуманов Марат Кўпаевич — подполковник, ҳарбий қисм командири

Кочелаев Владимир Александрович — полковник, ўқув ҳарбий қисми командири

Рўзиев Алишер Шеноновича — ефрейтор, ҳарбий қисм катта ҳайдовчиси

Рустамов Даврон Абрекович — капитан, ҳарбий қисм рота командири

Сурганов Александр Викторович — полковник, Туркистон ҳарбий округи оператив бошқармасининг бошлиғи

Тамаев Борис Анисимович— Туркистон ҳарбий округи штаби ашула ва рақс ансамблининг етакчи сухандони

Тюрин Геннадий Александрович — капитан, ҳарбий қисм катта учувчиси

Қуйидагиларга Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ»

Макаров Павел Леонтьевич — полковник, Туркистон ҳарбий округи штаби ҳарбий оркестр хизматининг бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Вергилесов Геннадий Константинович — старшина, Туркистон ҳарбий округи штаби 2-оркестрининг концертмейстери

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Аваздурдиев Эрка — медицина хизмати подполковниги, ҳарбий госпиталь бошлиғи, Чирчиқ шаҳри

Саидов Рустам — медицина хизмати полковниги, 340-округ ҳарбий госпитали бўлимининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИЙСИ»

Губаев Умид Содиқович — запасдаги полковник, Термиз мусиқа билим юрти бўлимининг мудири, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри,
1991 йил, 22 февраль.

И. КАРИМОВ.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши бешинчи сессиясида В. С. ПАВЛОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Мамлакатни чуқур танглик қамраб олган ва бузғунчилик жараёнлари кучайган шароитда иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштириш муаммоси алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади, шунинг учун уни ҳал этишга ғоят пухта ўйлаб ёндашиш зарур. Ҳозирги пайтда бошқарувни, унинг снёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ташкил этишдаги бўлажак қайта қуришнинг кўп қиррали ва кенг кўламли бўлиши яққол кўриниб турибди.

Бошқарувнинг янгича тузилишига, СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун лойиҳасига оид ишлар давомида барча даражаларда туркум маслаҳатлашувлар, муҳокамалар ўтказилди. Биз корхоналарнинг, уюшмалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, сиёсатшунослар ва социологлар билан учрашдик, СССР депутатлари билан ижодий, самарали иш олиб бордик. Айни пайтда биз бошқарув идоралари билан енгил-елпи иш олиб бориш, номларни ўзгартириш ва кадрлар бекарорлигини вужудга келтириш орқали бир қадам ҳам олга боса олмаслигимизни назарда тутдик.

Бугунги кунда ҳамма ғоят мустаҳкам тадбиркор, демократик система зарур, деган яқдил фикрдадир. Мустаҳкамлик эса ижтимоий иноқликка эришиш асосидагина бўлиши мумкин. Бу биз асосланган ўша ҳаракат дастури, ўша пойдевордир.

Нима учун биз айни шу йўлни танлаганлигимиз, нима учун бизга у ёки бу ваколатлар зарурлиги тўғрисидаги саволга жавоб қайтариш учун ўз нутқимда учта асосий мавзуни: бошқарувни янгича ташкил этишга ёндашувлар мафкураси, СССР Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари мавзуларини алоҳида ажратиб кўрсатаман.

1. БОШҚАРУВНИ ҚАЙТА ҚУРИШ МАФКУРАСИ

Бошқарувни қайта қуриш тўғрисидаги таклифларимиз асосланган биринчи жиҳат — вужудга келган вазиятни таҳлил этишдир. Мамлакатнинг ҳозирги аҳволи маълум. Ўтган йилнинг декабрь ойида СССР халқ депутатларининг съездида ҳам объектив, ҳам субъектив ҳолатлар танликка сабаб бўлганлиги батафсил муҳокама қилинган эди. Шу боисдан бу ҳақда яна бир бор батафсил тўхталиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бугун муҳокама қилинаётган масалага тааллуқли асосий хулосаларнигина қисқача эслатиб ўтаман.

Биринчи. Эски хўжалик механизми ўз вақтида асосан иқтисодий усулларга таянган янги шакли билан алмаштирилмади. Бошқарув тузилиши ва усулларининг такомиллашганлиги тобора аён бўлиб қолди. Бошқарув системасида бўшлиқ юзага кела бошлади. Айрим тузилмалар иш учун жавоб бера олмай қолди, бошқаларни эса ҳали ишлай бошламади, баъзилари эса ишлай бошлашни ўйламади.

Иккинчи. Турли даражадаги ҳокимият идоралари ўртасида муҳолифлик давом этаётганлиги натижасида танглик кучаймоқда. Хўжалик алоқаларини бузиш ва товарлар ҳаракати йўлида, шунингдек ягона умумиттифоқ бозорини барпо этиш йўлида тўсиқларни вужудга келтириш жараёни бошланди. Бир-бирига зид қонунлар пайдо бўлди. Дастлаб бу ҳокимиятдаги тангликдан дарак берди, бугунги кунда эса бу ана шу тангликнинг асосий сабабидир.

Учинчи. Биз жамиятнинг аниқ молиявий ва ресурс имкониятларини аниқламай туриб, кенг миқёсли, ижтимоий дастурларни эълон қилишда яхши важлар билан очиқдан-очиқ жадал илгарилаб кетдик. Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланмаган бундай қарорлар ўзини-ўзи обрўсизлантириб қўйди. Биз қалтис маррага келиб қолдик.

Ана шу сабабларни бартараф этишга тангликдан якка ҳолга чиқишга уринишлар ўзини оқламади ва оқлаши ҳам мумкин эмас эди. Бундай уринишлар истиқболсиздир. Шу сабабли биргаликдаги уйғунлашган ҳаракатларсиз хўжалик юритишнинг халққа муносиб турмуш шароитини таъминлайдиган янги самарали системасига ўтиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммасини тушунишмоқда, эътироф этишмоқда, аммо амалий силжиш йўқ. Ҳозир мамлакат ўз имкониятига қараганда ёмонроқ яшамоқда.

Шу боисдан биз бошқарувни янгича ташкил этиш мафкурасини шакллантиришга ёндашувларни ишлаб чиқиш чоғида энг аввало амалий ҳаракатлар учун ижтимоий кучларни бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган хулосалар ва қарорларга асосландик. Хусусан, «Янги иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисида» ҳамда «Тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида»ги СССР халқ депутаталари IV съезднинг қарорларига; бозор шароитида мамлакат халқ хўжалиги фаолиятининг иқтисодий муҳитини белгилаб берадиган ССР қонунларига ҳамда СССР Олий Кенгаши маъқуллаган бозор муносабатига ўтишнинг асосий йўналишларига; республикаларнинг ўз суверен ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияларига; «Давлат бошқаруви системасини такомиллаштириш муносабати билан СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги СССР қонунига асосландик.

Депутатларнинг асосий кўпчилиги маъқуллаши билан жорий этилган Президентлик бошқарувининг мақсад ва вазифалари ёндашувларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда СССР Президенти ижроия ҳокимиятнинг кенг ваколатлари ва вазифалари билан таъминланган. СССР Вазирлар Маҳкамаси унга бўйсундирилган. Бу эса бошқарувнинг анъанавий шаклларн ва усулларини тубдан ўзгартиради ва биз буни ҳисобга олдик. Ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигига ўтишни жадаллаштиришга қаратилган йўл бурилиш палласидир.

Мамлакатнинг бозорга ўтиши асосий жараёнларини фаол бошқариш ва мувофиқлаштириш, ягона умумиттифоқ бозорида эркин товар ишлаб чиқарувчилар фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш, бозорнинг кўмакчи соҳаларини қарор топтиришда ёрдам бериш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишимиз зарур. Илғор структуравий силжишлар, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва маҳаллийлаштириш сиёсатини амалга ошириш нинг асосий воситаси сифатида бозор муносабатларининг умумиттифоқ омиллари системасини йўлга қўйиш керак бўлади. Бу ишдаги янги ва ғоят муҳим йўналишлардир.

Танланган йўлга қатъий амал қилиш зиммамизга бошқарув идораларининг вазифаларинигина эмас, шу билан бирга уларнинг узилишини қайта қўриб чиқиш мажбуриятини ҳам юклайди.

(Давоми иккинчи бетда).

АРМИЯДАГИ ЎҒЛОНЛАРИМИЗ

22 февраль кунн Тошкентда шонли сана — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 73 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик катта театри байрамона безатилган. Бу ерга партия, уруш, қуролли кучлар ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий бошлиқлар, Тошкент гарнизонининг жангчилари, байналмилалчи жангчилар, Ўзбекистон пойтахти меҳнат жамоаларининг, совет, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари келишди.

Тантанали йиғилишни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков очди.

Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко маъруза қилди.

В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган, ўз моҳияти билан байналмилал СССР Қуролли Кучлари бугунги кунда ҳам жанговар ягона оиладир. Туркистончи жангчилар, улар қайси миллатга мансуб бўлмасинлар, умумий хонадонимиз— СССРни мустаҳкамлаш, катта авлодларимиз мерос қилиб қолдирган жанговар биродарлик, аскарларча дўстлик ва қўшинлар ва ўртоқлигини кўз қорачиғидек сақлашни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

Туркистончи жангчилар мамлакат ва жумҳуриятлар ижтимоий ҳаётида фаол қатнашар экан, асосий кучларини жанговар ва сиёсий тайёргарлик борасидаги дастурлар ҳамда режаларни бажаришга сарфламоқдалар, жанговар маҳоратлари даражасини мунтазам ошириб бормоқдалар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. С. Ефимов, Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари байрам концерти қўйиб беришди.

(ЎзТАГ).

СССР мудофа вазирининг БУЙРУҒИ

1991 йил 23 февраль № 80 • Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, прапоршчик ва мичман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли кучлари фахрийлари, ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари бугун Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз флотининг 73 йиллигини ишонламоқдалар.

СССР Қуролли Кучлари шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Халқнинг инқилобий ижодкорлиги туфайли дунёга келган СССР Қуролли Кучлари фуқаролар урушининг шиддатли олишуваларида Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиб қолдилар. Армиямизнинг халқчиллик руҳи Улуғ Ватан урушида зўр куч билан намоён бўлди, шу уруш чоғида совет жангчилари Ватанимизнинг суверенитети, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар, Европани фашизм қуллигидан халос этдилар, ўз ватанпарварлик ва байналмилаллик бурчларини шараф билан бажардилар.

Кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарига садоқатли СССР Қуролли Кучларининг шахсий состави совет кишилари учун муқаддас бўлган ватанпарварлик ва ҳарбий бурч тушунчаларини обрўсизлантириш, СССР халқларининг қардошларча иттифоқини бузиш, социалистик Ватаннинг мудофаа қудратини заифлаштириш, армия билан халқнинг бирлигига путур етказиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад қилади.

Ҳозир ниноқлик ва ҳаракат бирлиги, фуқароларнинг тинчлигини сақлаб қолиш, Иттифоқимизни янгилаш, танлаб олинган социалистик йўлдан бунёдкорлик билан ҳаракат қилиш йўлида дарҳол ва қатъий куч-ғайратлар сарфлаш совет кишиларига, СССР Қуролли Кучларининг жангчиларига ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Жанубий чегараларимиз яқинида, Форс кўрфази атрофида уруш ёнғини аланга олиб турибди. Ана шундай шароитда, ҳарбий ислоҳотни изчил ўтказиш билан бирга совет давлатининг мудофаа қобилиятини, СССР Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини ишончли етарлилик даражасида сақлаб туриш зарур.

Азиз ўртоқлар, умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 73 йиллиги билан сизларни табриклайман ва қутлайман!

Армия билан Флотнинг шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, замонавий қурол ва жанговар техниканн эгаллашда, қуруқликдаги, осмон ва денгиздаги маҳоратни такомиллаштиришда, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман. Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига, ёшларимизга, барча совет кишиларига сиҳат-саломатлик, улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бахт-саодати йўлидаги меҳнатда зафарлар тилайман.

Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз флотининг 73 йиллигини нишонлаш юзасидан **БУЮРАМАН:**

Бугун, 1991 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар — Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда ва қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Самара, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

Ишончим комилки, Армия билан Флот бундан буён ҳам совет давлати хавфсизлиги, бирлиги ва барқарорлигининг ишончли кафили бўлиб қолаверади.

СССР мудофаа вазири
Совет Иттифоқи маршали
Д. ЯЗОВ.

Бизнинг келажагимиз—тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган иттифоқида

Мамлакатимиз ва республикамиз ҳар биримиз учун ҳаётий муҳим масалани ҳал қилиш арафасида турибди. Бу иттифоқни сақлаб қолиш керакми ёки керак эмасми, сақлаб қолинса, у қандай бўлиши керак, деган масаладир. Ҳозир ССР Иттифоқини сақлаб қолиш муаммоси ҳаммани ташвишлантирмоқда. Ҳамма республикалар ҳам умумий давлат тузилмаси таркибида қолишни истармикин? СССР Олий Кенгашининг фикрича, 17 март куни ўтказиш мўлжалланган референдум бу масалаларга аниқлик киритиши, яъни аслида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг тақдирини ҳал этиши лозим.

Бизнинг республикамизда референдумга тайёргарлик ишлари тобора фаол авж олдирилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, жамоатчилик, депутатлар бу ишга бош қўшдилар. Ўзбекистон ССРда референдумни ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисидаги масала республика Олий Кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. У ўтказиладиган референдум халқларимиз тақдири учун фавқулодда муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Референдумни тайёрлаш ва ўтказишда ғоят фаол иштирок этиш, республика аҳолисига 17 март куни ўтказиладиган овоз беришининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтириб бериш — давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг, халқ депутатларининг вазифасидир.

Умумхалқ овоз беришига қўйилаётган масаланинг таърифи республикамиз аҳолисининг шу масала хусусидаги фикрини минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мумкин қадар тўла ифодалай олиши ёки олмаслиги раёсат мажлисида муҳокама қилинган асосий муаммо бўлди.

Кўпгина халқ депутатлари фуқаролар фикрини ҳисобга олиб, референдумга қўйилаётган масала таърифининг ўзи қўшимча саволлар келтириб чиқарилаётганлиги хусусида асосли шубҳа билдирдилар. Бу таърифда ҳозирнинг ўзидаёқ турмушимизда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий воқеликлар ҳисобга олинмаган. Бунинг устига, республика аҳолисининг улар янгиланган иттифоқ таркибида мустақил республика сифатида қолишни хоҳлашлари ёки хоҳламасликлари тўғрисидаги фикрларини аниқ белгилаш имконини бермайди.

СССР Олий Кенгашининг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорига катта ижтимоий-сиёсий аҳамият бериб ва Ўзбекистон халқлари хоҳиш-иродасини тўлақонли акс эттиришни, СССР референдумида овоз бериш бюллетени таърифининг маъноси ва мазмунини тўлақонли очиб ва янада аниқлаштириб беришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раёсати ССР Иттифоқини тенг ҳуқуқли мустақил республикалар федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР референдумида овоз бериш учун чиқарилган ва «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерация сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?»— деган асосий бюллетень билан бирга фуқароларга овоз бериш чоғида яна битта қўшимча бюллетень бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Қўшимча бюллетень матни қуйидаги шаклда тасдиқланди: «Сиз Ўзбекистон тенг ҳуқуқли мустақил республика сифатида янгиланган иттифоқ (федерация) таркибида қолишига розимисиз?

(Давоми учинчи бетда).

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Бошқарувнинг, ифодали қилиб айтганда, «синаб кўриш» лозим бўлган маъмурий ва иқтисодий шакллари ўртасидаги энг мақбул фарқ айни ана шу жиҳатдан белгиланади. Бундай фарқ ўзгарувчан бўлиб, шунинг учун вазиятни, тайёрлигимиз даражасини, ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Фақат эски структураларни тугатиш ва уларни янги, бозор муносабатларига мос структуралар билан алмаштириш бозор воситалари системаси қандай йўлга қўйилишига қараб амалга оширилади. Амалда қандай бўлмоқда? Вужудга келаётган вазиятни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи заминида иккита аниқ хавф бор.

Бир томондан — олга томон жадал илгарилаб кетиш, бошқарув идораларининг амалдаги структурасини барбод этишга интилиш, иккинчи томондан, бир қатор республикаларда марказнинг бюрократик структурасини кучайтиришдир. Бу жуда хатарли тамойиллар бўлиб, уларга етарли баҳо бермаслик мумкин эмас.

Мана шунинг учун ҳам биз бирликка ва минтақаларраро алоқаларни мустаҳкамлашга интилиб ҳамда республикалар билан ўзаро муносабатларни қайта қуриш вазифасига бугунги кунда асосий эътиборни қаратиб, ҳаддан ташқари марказлаштириш ўрнига амалий мулоқот, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувнинг иттифоқ ва республика идоралари куч-ғайратини ижодий ва амалий тарзда бирлаштириш вақти келди, деган фикрга асосланамиз. Бу — жамиятимиз турмушининг иқтисодий, ижтимоий, миллатлараро ва бошқа соҳаларидаги салбий жараёнларни тезроқ бартараф этишнинг сўзсиз шарти, гарови, янги ҳукумат фаолиятига нисбатан қўйилаётган асосли талабдир.

Кенг миқёсда олганда, биз бирғаликда давлат ҳудудий бошқаруви тизимини янгидан ташкил этишимиз керак бўлади, деб ўйлайман. Бундай тизим жумҳуриятлараро шартномалар, иқтисодий битимлар, умумиттифоқ ва минтақаларраро дастурлар, ўзаро ёрдам асосида қурилиши мумкин бўлур эди.

Иттифоқ ҳукуматининг республикалар билан мустаҳкам ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун давлат қурилишининг, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг келишиб олинган қоидаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Турмуш иттифоқ билан республикалар фаолияти ва ваколатлари соҳаларини аниқ фарқлаб олишга доир ишларни тезроқ тугаллашни қатъиян тақозо этмоқда. Федерация кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ушбу масала батафсил муҳокама қилинганлиги ўзаро мақбул қарорлар қабул қилиш учун яхши замин мавжудлигини кўрсатди.

Иттифоқ ва республикаларнинг бирғаликдаги вазифасига тааллуқли соҳаларда баҳамжиҳат ҳаракатларни амалий жиҳатдан пухталаштириш муайян қийинчиликларни вужудга келтиради, деб ўйлаш мумкин.

Дастлабки қадам сифатида иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар икки хил ёндашув тўғрисида келишиб олиш муҳимдир. Биринчиси — томонларнинг келишиб олишига кўра ўзаро ваколатларни аниқлаб олиш ва вазифаларни топшириш расмийлаштирилади. Шунда, табиийки, қарорни ваколат топширилган томон қабул қилади. Иккинчи — ҳозирча аҳдлашувларга эришилмаган соҳаларда қарорлар фақат бирғаликда қабул қилинади.

Бошқарув ваколатлари мутлақо иттифоқ ихтиёрида бўлган соҳаларда қарорларни СССР Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади. Ана шу соҳаларнинг чегаралари тўғрисида баҳслашиш мумкин. Бироқ, улар ҳозирдаёқ белгилаб қўйилган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси масалаларни ҳал этишдан бўйин товлашга ҳақли эмас ва бошқарувнинг бошқа барча идоралари унинг қарорларини шубҳа остига қўя олмайдилар. Акс ҳолда, бошқарувнинг ҳеч қандай самарадорлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Маълумки, ўз тузатишларини ҳам киритиши мумкин бўлган иттифоқ шартномаси тайёрланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси уларни қисобга олиши шарт. Бундай ёндашувларда биз яхши ниятни намоён этиб, ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳал эта оламиз, деб ўйлайман.

Биз барча ишларни амалга ошириш чоғида жамиятимизни қайта қуриш ва халқ хўжалигини бошқариш системасини такомиллаштиришга оид ишларнинг муайян даражада **босқичма-босқич** бўлиши зарурлигига асосланамиз. Иқтисодиёт кўламлари ҳам, унинг таиг аҳволда эканлиги ҳам шуни тақозо этади. Содир бўлаётган жараёнларга аниқ мавқелардан назар ташлаш, олга томон жадаллаб кетишга уринмаслик керак. Бундай муаммолар бир йўла ҳал этилмайди.

Шу боисдан бошқарувнинг янги ташкилий тузилиши дастлабки босқичга, 1991-1992 йиллардаги даврга тадбиқан шакллантирилган. Турмуш кейинчалик муайян ўзгаришларни тақозо этса керак, аммо у ана шу даврдан кейин ҳам маълум вақт амал қилиши мумкинлиги истисно этилмаган.

Бошқарувни такомиллаштириш, янги структурани барпо этиш муаммосига ёндашувлар мафкурасининг умумий кўринишлари ана шундай. Кўриб турибсизларки, куч-ғайратларни бирлаштиришга, ҳаракатларни келишиб олишга, бирғаликда қарорлар қабул қилишга асосий эътибор берилган.

II. СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ. УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ

Бошқарувнинг Президент идораси шакли қонун чиқариш ва ижроия ваколатларини узвий қўшиб олиб боришни тақозо этди. Бундай бошқарув системасида Вазирлар Маҳкамасининг мавқеи бир қарашда икки хилдек туюлади. Бир томондан, Вазирлар Маҳкамаси интизомли, қонунларни қатъиян босқичма-босқич ижро этувчи сифатида иш кўради.

Вазирлар Маҳкамаси қонунларнинг руҳи ва ҳарфига риоя этади, барча масалаларни қонунларни ва халқ депутатлари съезди ҳамда СССР Олий Кенгашининг бошқа қарорларини, СССР Президентининг фармонларини бажариш асосидатина ҳал қилишга ҳақлидир.

Бошқа томондан, ҳар куни ва ҳар соатда мамлакатнинг аниқ-равшан хўжалик муаммоларига дуч келаётган Вазирлар Маҳкамаси жараёнларни четдан туриб кузатувчи, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларини кўр-кўрона бажарувчи бўла олмайди. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси зарур ваколатларга, жумладан норматив тусдаги ҳамда бутун мамлакат ҳудудидаги барча идоралар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган қарорлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиши даркор.

Қонунийлик муаммосининг яна бир жиҳати бор. Қонун чиқарувчилар Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари муҳимдир. Маҳкаманинг алоҳида ҳуқуқига ҳар қандай давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдор ва бошқа шахсларнинг аралашувига йўл қўйиб бўлмайди. Агар шундай қилинмаса биз ҳокимият ва бошқарув фалажлиги муаммосига яна қайтишимизга тўғри келади. СССР Олий Кенгаши аъзоларининг ана шунга жиддий эътибор беришларини сўрайман.

Бироқ, мазкур фикрни танқиддан ҳоли бўлиш ёки унга қарши тўсиқ қўйиш истаги деб баҳоламаслик лозим. Аксинча, биз фақат ошкоралик қоидасига мувофиқ иш кўриб, кенг жамоатчиликка таяниб, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни самарали ўтказишга эришиш мумкинлигига асосланамиз. Биз бундай талабни қатъий бажариш ниятидамиз.

Агар Вазирлар Маҳкамаси бевосита, эҳтимол қаттиққўллик билан мулоқот олиб бориб, аниқ-шуҳта мавқени эгаллаб, уни қатъий ҳимоя қила олса, мазкур қоидалар самарали ишлаши мутлақо равшан.

СССР Конституциясининг 132-моддасида белгилаб берилган ва СССР Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонун лойиҳасида айнан келтирилган Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари СССР халқ депутатлари съезди маъқуллаган Иттифоқ шартномаси лойиҳасига ҳам мувофиқдир.

Буларнинг ҳаммасини депутатлар батафсил муҳокама қилдилар ва қўшимча изоҳлар бериб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Лойиҳада кўзда тутилаётган бошқа ваколатлар СССР Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувининг ССР Иттифоқи ихтиёридаги барча масалаларни ҳал этишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоидадан келиб чиқади. Чунки улар СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Кенгаши ва Федерация кенгашининг ваколатига кирмайди. Бу кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида аниқ-лўнда баён этилган, бироқ мен иккита қоидани ажратиб кўрсатишни истардим.

Биринчидан, Умумиттифоқ мулки бўлган иншоотларни бошқариш тўғрисида. Бундай мулкнинг ҳажми ва таркиби ўзгариши мумкин. Бугун унинг муайян доираси қонуний тарзда белгилаб қўйилган, эртага Умумиттифоқ шартномасида у кенгайтирилиши ёки қисқариши мумкин. Аммо энг муҳими — аниқлик зарур. Биз ўз таклифларимизда мазкур масала юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ қабул қилинган қарорларга асосландик.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига СССР Олий Кенгаши ваколатида бўлган халқ хўжалигига раҳбарлик масалаларига доир мувақкат тусдаги қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифни келишиб олиш айниқса зарурдир. Бунда гап ҳеч кечиктирмай ўз вақтида ҳал этишни талаб қиладиган масалалар тўғрисида, хусусан Олий Кенгашнинг СССР Конституцияси 113-моддасининг 7 ва 10-бандларида кўзда тутилган ваколатлари ҳақида (халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий қурилишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилашни, атроф муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришни ташкил этишни тартибга олиш тўғрисида, шунингдек зарур бўлиб қолганда режа ва бюджетга ўзгартишлар киритиш ҳақида) бормоқда.

Ана шу масалаларнинг ҳар бири юзасидан Президент фармон чиқаравериши керак деб ҳисобласак, ўринли бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бундай қилиш фақат ишга ҳалақит беради.

Бизда ҳали қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият узил-кесил бўлинмаган. Ҳозир халқ хўжалиги муаммолари ғоят жўшқин бўлиб турибди ва парламент таътили даврида турли вазиятлар бўлиши мумкин. Қабул қилинган қарор тўғрисида дарҳол огоҳлантириладиган ва уни нотўғри деб ҳисоблаб бекор қилишга қодир бўлган Олий Кенгашнинг ўзи Вазирлар Маҳкамаси ана шундай ҳуқуқни суиистеъмол қилмаслигига кафолат бўлиши мумкин. Совет фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, СССР Конституцияси ва қонунларига риоя этиш гарови бўлган СССР Президенти ҳам шундай ваколатларга эгадир. Конституциявий назорат комитети ҳам ана шундай ҳужжат амал қилишини тўхтатиб қўя олади.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларн шу билан чекланмаслиги мутлақо равшан. Уларнинг ёпиқ рўйхатини умуман тузиш мумкин бўлмаса керак. Масалан, ҳар қандай қоиунни ёки СССР Олий Кенгашининг уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорини олиб кўриш мумкин. Ана шу ҳужжатларда у ёкн бу масалаларни ҳукумат ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги нормалар ёки унга тегишли топшириқлар бўлади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўтиш даврида ижроия ҳокимиятни ташкил этиш ва халқ хўжалигини бошқариш идораларининг тузилиши иқтисодиётни самарали бошқариш ва бозор муносабатларини жадал қарор топтиришдан иборат иккита бир бутун вазифа ҳал этилишини таъминлаши зарур. Ана шу йўналишларнинг сунъий тарзда узилиб қолиши, улар юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг мувофиқлаштирилмаслиги янги зиддиятларни келтириб чиқариш хавфини туғдиради.

Биз ижроия ҳокимият ваколатларини ва тузилишини белгилаб олишда комплекс ёндошувни таъминлашга интилдик.

Мавжуд вазирликларни қўшишга, бўлиб юборишга, тугатишга, Вазирлар Маҳкамаси доирасидан чиқаришга тааллуқли барча масалаларни менинг маърузамдан кейин СССР Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларида муҳокама қилиш дуруст бўлур эди, деб ўйлайман. Булар ҳар ҳолда жузъий масалалар. Бугун энг муҳим масалани — бошқарув системаси билан боғлиқ масалани аниқлаб олиш керак. Шу муносабат билан эътиборингизни энг муҳим узил-кесил қондаларга қаратмоқчиман.

Биринчидан. Узларини радикаллар деб ҳисоблаётган баъзи ўртоқлар бизга таклиф қилаётганларидек, бошқарувнинг тармоқ идораларини бутунлай тугатишимиз мумкинми? Аминманки, буидай қила олмаймиз. Энг муҳими — бу бемаънилик бўлур эди. Зотан, чет элларда ҳам хўжалик бошқарувининг давлат тузилмалари бутунлай тугатилмаган.

Биз қайси соҳаларда вазирликларни сақлаб қолишни ёқлаб чиқаяпмиз? Корхоналар фаолиятининг алоҳида тартиби тўғрисида гап борган, технология жиҳатидан моддий ва молиявий ресурслар марказлаштирилиши ва қайта тақсимланиши талаб қилинадиган, ўзига хос бошқарув зарур бўлган соҳалардагина вазирликларни сақлаб қолишни кўзда тутяпмиз. Бу давлат мулки устунлик қилиши зарур бўлган, хусусийлаштириш ҳозирча кечиктирилаётган соҳадир.

Булар — электр линияларини аниқлаб олиш керак. Шу системани ўраб олинган Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда Атом энергетикаси ва саноати вазирлиги, темир йўллар тармоғи бўлган Темир йўллар вазирлиги, ер ости иншоотлари системаси бўлган Алоқа вазирлиги, ички турли ҳудудларда амалга ошириладиган транспорт ва махсус қурилиш вазирликлари, мудофаа саноатининг бир қанча вазирликларидир. Мудофаа саноати вазирликларида бошқарув вазифаларига нисбатан қўйиладиган анъанавий оширилган талаблардан ташқари кенг қўламдаги конверсиялаш заруратн ҳам қўшилади.

Кўриб турибсизларки, бу ерда ССР Иттифоқининг ҳозирнинг ўзидаёқ қабул қилинган қарорларда белгилаб берилган ваколатидаги соҳа яққол кўзга ташланади.

Бундай ёндашув бир қанча жумҳуриятларнинг хоҳишларига ҳам мос келади. Жумладан, Белоруссия ССР Вазирлар Кенгашининг раиси В. Кебич бошқарувнинг худди шу соҳасида умумиттифоқ вазирликларини сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани тўғридан-тўғри қўяди.

Иккинчидан: тармоқларнинг йириклаштирилган гуруҳлари юзасидан қолган бошқа ҳамма ҳолларда оз сонли Давлат комитетларини тузиш таклиф қилинади. Пешлавҳани ўзгартириш эмас, балки собиқ Вазирлар Кенгаши ва кўпгина вазирликларни доимий органларга айлантириш, уларни ривожлантириш ва давлат бошқарувини янги мазмун билан бойитиш керак.

Бу органлар, агар таъбир жоиз бўлса, янада халқчил органларга айланиши керак. Улар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашмайдилар, уларга ишлаб чиқаришга бевосита раҳбарлик қилиш вазифаси берилмайди. Бу ерда бевосита алоқалар анча кучли ривожланган бўлади. Комитетлар — кўп даражада мувофиқлаштирувчи, корхоналарнинг самарали ишлашига кўмаклашувчи органлардир. Улар таҳлилий ва ахборот тусидаги бозор тузилмаларига руҳан яқиндир.

Янги комитетлар фаолиятининг демократик тусда бўлишини тасдиқлаш маъносида яна бир мулоҳаза айтмоқчиман. Биз бир қанча ҳолларда тузилмаларни шакллантиришга сифат жиҳатидан янгича ёндашишни, давлат — ижтимоий мақомига эга бўлган органларни ташкил этиш йўлидан боришни хоҳлаймиз. Фаолиятнинг шундай соҳалари борки, уларда касб-ҳунар маҳоратини жамоатчилик фикри ва қўллаб-қувватлаши билан уйғунлаштириш айниқса муҳим бўлиб, кенг оммаларнинг маслаҳати, касаба уюшмалари ва бошқа тараққийпарвар ҳаракатларнинг фаол иштироки керак. Биз таклифларимизга ёшлар ва спорт ишлари, хотин-қизлар ва оила масалалари ҳамда бошқа комитетлар ишини ташкил этишда ана шундай ёндашувлар ва талабларни асос қилиб олаяпмиз.

Янги комитетлар, одатдагидек, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар бирғаликда бошқарадиган соҳаларни қамраб олади.

Учинчидан. Умумий иқтисодий органлар фаолиятининг йўналиши, вазифалари тубдан кўриб чиқилиши керак. Биз улар иттифоқ даражасида ҳам, жумҳуриятлар даражасида ҳам ишлаб чиқаришга бўйруқ бериш ҳамда моддий-техника таъминоти соҳасида тақсимот ишлари билан шуғулланишлари керак эмас, деган қатъий йўлда турибмиз. Уларни ана шу ишдан узил-кесил халос этиш лозим. Корхоналар ва ташкилотларнинг моддий ресурсларга эҳтиёжи воситачи ташкилотларнинг ёрдами билан, шунингдек бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш йўли билан бозор муносабатлари қоидалари асосида қондирилиши зарур. Умумдавлат, жумҳуриятлараро эҳтиёжларни қондиришни эса ташкил этилаётган Улгуржи савдо ва контрактация вазирлиги зиммасига юклаш мўлжалланган.

Тўртинчидан. Бозор муассасалари ишини ташкил этишда асосий ўрин тузилаётган давлат иқтисодий ислоҳот кенгашига берилади. СССР Вазирлар кенгашининг академик Л. Абалкин раҳбарлигида иш олиб борган комиссияси тўғрисида бирон бир ёмон гап айта олмайман. Уни танқид қилиш мумкин, лекин комиссия ҳам, раис ҳам жуда фойдали ишларни қилдилар. Айни вақтда комиссия жумҳуриятлардан ва ижтимоий тузилмалардан ажралиб қолган эди. Шу сабабли улар билан ҳамжиҳатликни кучайтиришга эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Давлат кенгаши таркибига иттифоқдош жумҳуриятлар Олий бошқарув органларининг масъул вакилларини ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан киритиш таклиф этилади. Марказий иқтисодий органларнинг, бозор муассасаларининг раҳбарлари ўз лавозимларига кўра кенгашга аъзо бўладилар. Кенгаш иши уюшмалар, иттифоқлар, жамоат ташкилотлари билан қалин ҳамжиҳатлик асосига қурилиши керак. Бу жумҳуриятларнинг талабларига мос келади. Тўғри, Молдова бош вазири М. Друк жумҳуриятлараро иқтисодий комитет тузилиши кераклигини айтмоқда, лекин ўйлайманки, гап унинг номида эмас.

Давлат кенгашининг вазифаси иқтисодий ислоҳотнинг тўла-тўкислигини, мувофиқлаштирилишини ва барча соҳаларда уйғун ишлашини таъминлашдан иборат. Бу эса ғоят муҳимдир. Бунинг учун кенгашга катта эҳтиёжлатлар берилиши, у обрўга эга бўлиши керак. Унинг мақомини жиддий ошириш лозим. Давлат кенгашини бош вазир бошқариши назарда тутилмоқда. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосарини Президент тасдиқласа тўғри бўлур эди. Қоидага кўра, уни Бош вазир ўринбосари билан тенглаштириш керак бўлур эди. Назаримда, бу — иш учун фойдали бўлади.

Баён этилган қоидалар ва принципларни ҳисобга олиб, янги тузилмага доир таклифлар ишлаб чиқилди. Унда ҳам тармоқ, ҳам функционал ишларга оид катта-катта уюшмалар бўлиши сезилмоқда. Уларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси — ижтимоий-иқтисодий гуруҳ. Бу гуруҳга янги бозор тузилмаларимиз ҳам киради.

Иккинчиси — фан-техника тараққиёти билан экология хавфсизлигини таъминловчи идоралар.

Учинчиси — тармоқ вазирликлари ва комитетлари гуруҳи. Уларни таърифлаб ўтирмайман, чунки улар қонун лойиҳасида санаб берилган. Улар бир турдаги тармоқлар комплекси эканлигини ёки бир мақсад атрофида бирлашган гуруҳ бўлишларигина таъкидламоқчиман. Булар мудофаа билан боғлиқ вазирликлар, машинасозлик, энергетика, транспорт ва деҳқончилик-саноат комплексларидир.

Ва ниҳоят, **тўртинчи** гуруҳ. Бу давлат хавфсизлигини, мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини муҳофаза қилишни таъминлайдиган идоралардир: Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар вазирлиги. Улар хавфсизлик кенгаши билан маслаҳатлашиб ишлайдилар. Айни вақтда уларнинг раҳбарлари СССР Вазирлар маҳкамасининг аъзолари ҳам бўладилар.

Бу масалалар ўз томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрадиган ҳукуматнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

Иттифоқ давлат бошқаруви органлари тузилишининг умумий жиҳатлари шундан иборат. Булардан ташқари ишлаб турган бир қанча идоралар, масалан, атом энергетикаси саноатида ишларни бехатар олиб боришни иазорат қилиш давлат комитети, Давлат авиация назорати комитети, Давлат стандартлар комитети сингари асосан назорат қилиш вазифаларига эга бўлган идоралар сақланиб қолади.

Улар билан бирга янги тузилмаларни ташкил этиш ҳам таклиф қилинади. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги билан изоҳланади. Улар қаторида, жумладан, қимматбаҳо қоғозлар давлат инспекцияси, нархларни назорат қилувчи инспекция, давлат патент агентлиги, давлат суғурта назорати бор.

Ислоҳотнинг ушбу босқичида ССР Иттифоқи давлат мулки жамғармаси билан яккаҳокимликка қарши комитет алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Биз бозор муассасалари ана шу етакчи идораларининг бошқарув умумий робитасидаги ўрнига доир масалани узоқ ва изчиллик билан ишлаб чиқдик. Уларга иложи борича кўпроқ мустақиллик ва ҳаракат эркинлиги бериш керак, деган хулосага келдик. Худди шу сабабли бундай органларнинг раҳбарларини СССР Вазирлар Маҳкамаси таркибига киритиш керак эмаслиги хусусида таклифимиз ҳам бор.

Баъзи депутатлар ана шу жамғармани ва яккаҳокимликка қарши комитетни СССР Олий Кенгашига бўйсундириш йўлини тутаётганликларини ҳам биламан. Биз бу фикрга қўшилмаймиз ва модомики, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимиятни ажратиш йўли тутилган экан, унга охиригача риоя этилиши кераклигига мутлақо ишончимиз комил. Қонун чиқариш фаолияти хўжалик ҳаётидаги тезкор масалаларни ҳал қилиш билан алмаштирилиши керак эмас. Шунингдек бошқарувнинг барча бошқа органлари билан қалин ҳамкорликда иш олиб бораётган бозор муассасаларининг мантиқан давом эттириладиган занжирини ҳам узиш керак эмас.

Яна битта муҳим масала бор. Сизлардан қўшимча Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этишингизни, яъни улар сонини саккиз нафарга етказишингизни сўрашга мажбурман. (Вазирлар кенгашининг эски таркибида ўн уч ўринбосар бор эди).

Ҳозирча Олий Кенгаш Бош вазирнинг тўрт ўринбосарини, шу жумладан иккита биринчи ўринбосарини тасдиқлади. Илгари Бош вазирнинг қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи ўринбосари лавозимига Украина вакилини қўйиш тўғрисида умуман келишиб олинганди. Қозоғистон ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўзларининг вакилини вазир ўринбосари лавозимига таклиф қиладиган бўлганди. Бугун Украина Белоруссия билан келишиб, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўз номзодини айтди, бу номзод Федерация кенгашида кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Энди Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятида ижтимоий-иқтисодий йўналиш, ташқи иқтисодий алоқалар, ёқилғи-энергетика масалаларига раҳбарлик қилишда кучларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ вазифаларимизни аниқлаб олишимиз зарур. Кўриб турибсизки, иш манфаатига зарар етказмаган ҳолда йўналишлар ва уюшмаларни йириклаштириш ниҳоятда мушкул масала. Шу сабабли Бош вазирнинг яна бир ўринбосари лавозимини қўйиш зарурати пайдо бўлди. Илтимосимни қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасида СССР Вазирлар кенгашидаги 68 раҳбар ўрнига 55 раҳбар бўлади. Конституцияга мувофиқ маҳкама ишида жумҳуриятлар ҳукуматларининг бошлиқлари ҳал қилувчи овоз билан қатнашишлари мумкинлигини ҳам эслатиб ўтаман. Биз улар ишимизда мунтазам равишда ва фаол қатнашишларига умид қиламиз.

Ва ниҳоят, мен тўхталиб ўтмоқчи бўлган сўнгги жиҳат бор. Бу ерда гап аппарат ходимлари сонини қисқартириш принциплари ҳақида бормоқда. Албатта, бу мавзунинг қонунга алоқаси йўқ, лекин жуда оғир кечадиган жараён, маслаҳатингиз керак.

Биз 1991 йил бюджетида аппаратни сақлаш учун ажратилган ва тасдиқланган харажатларга асосланамиз. Маълумки, улар 30 фоиз қисқартирилган эди. Аниқравшан ҳолатларда, табиийки, табақалаштирилган ёндашув асосида бу топшириқни бажариш керак, агар қўйилган масала қўллаб-қувватланса, Вазирлар Маҳкамаси унинг ҳал этилишини таъминлайди.

Ушбу мавзудаги гапимнинг охирида бошқарувнинг янги тузилмаси аниқ-равшан мақсад ва вазифаларга, куч-ғайратларимиз жамланиши лозим бўлган йўналишларга асосланганлигини таъкидламоқчиман. Бошқарув чизмасига мослашиш керак эмаслигига, у иккиламчи эканлигига ишончим комил. Шу сабабли у ёки бу вазирликни сақлаб қолишга уриниш, назаримизда катта хато, идоравий йўл ҳисобланади.

Россия, Украина, Белоруссия раҳбарлари кўриб чиқилаётган масалага нисбатан алоҳида фикр билдирдилар. Хўш, бу фикрнинг моҳияти нимада? Иттифоқ шартномаси имзолангунига қадар қонун лойиҳасини муҳокама қилмаслик ва Вазирлар Маҳкамаси таркибини тузишга киришишмаслик таклиф этилади. Шу тарққа мамлакат халқ хўжалигини номаълум муддатга ҳокимиятсизлик гирдобига ташлаш таклиф этилмоқда. Ҳатто ўн нафар муовинга эга бўлган бир Бош вазир вазирлар маҳкамасининг ўрнини боса олмайди. Бошқарув органлари, раҳбарлар баъзи жумҳуриятларнинг раҳбарлари яна нима таклиф этишаркин, дея кутиб ўтирмасдан, ишлашлари керак.

Энг аввало иш ҳақида ўйлаш зарур? Иттифоқ шартномаси, шубҳасиз, жуда муҳим ҳужжат. Лекин у имзолангунича ва имзоланганидан кейин ҳам иқтисодиётни самарали бошқариш хусусидаги қонуний талаблар бўлганди ва шундай бўлиб қолади.

Башарти, бизга ана шу қулай баҳона билан ўзини ўзи тўла бошқарадиган қандайдир системани таклиф этишни хоҳлар эканлар, у ҳолда бу энг камида ишга уқувсизларча ёндашувни, вақтни атайлаб чўзишни, халқ хўжалигида кучайиб бораётган тангликнигина билдиради.

Бошқа республикаларнинг фикри амалийроқ бўлди ва у ҳисобга олинди.

III. СССР ҲУКУМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳукумат фаолиятининг дастури стратегик жиҳатдан маълум даражада халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг СССР Олий Кенгаши маъқуллаган асосий йўналишларда белгилаб берилган. СССР халқ депутатларининг IV съездида асосий йўналишлар мантиқан тўлдирилди. Мен бу қарорларни ақида деб ҳисобламоқчи эмасман. Ҳаёт унга ўз тузатишларини киритиши мумкин ва киритади ҳам, деб ўйлайман. Сиз бу фикрга қўшилсангиз керак. Маҳкаманинг келгусидаги фаолиятини қандай тасаввур қилишимни қисқача баён этмоқчиман.

Ҳозир энг муҳим иш нима? Фақат олдинга қараб силжиш! Шу нуқтаи назардан биз икки дастурни стратегик ва жорий дастурни рўёбга чиқаришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Халқнинг муносиб турмуш шароитини таъминлайдиган янги хўжалик системасини вужудга келтиришни жадаллаштириш зарурлиги долзарб тадбирлардан биридир. Бунинг учун эркин товар ишлаб чиқарувчилар самарали ишлашининг иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитини яратиш керак. Мулкчиликнинг барча шакллари ривожланиши ва рақобат қилиши учуи тенг шароит вужудга келтириш зарур. Бунингсиз бозорга ўтиб бўлмайди.

Бинобарин, қисқа муддатда уни қонуний негиз билан таъминлаш зарур. Вазирлар маҳкамаси тадбиркорлик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳокимликка қарши кураш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлади. Булар энг зарур қонунлар бўлиб, бозорга ўтишга алоқадор тадбирларни ишлаб чиқиш ва жамият назорати остида амалга ошириш учун асос бўлади.

Айни вақтда бозорга ўтиш шунчаки, ният бўлиб қолмай, балки мақсадга эришиш омили эканлигини яна бир марта таъкидламоқчиман. У аксарият кўпчилик одамларнинг манфаатларини кўзлаб туркум вазифаларни ҳал этишни тезлаштириш учун шарт-шароит яратади. Аҳоли иқтисодий ислоҳотни кенг қўллаб-қувватлаши керак. Ана шундагина бозор муносабатларига хос қудратли омиллар ва рағбатлантириш омиллари бутун халқ фаровонлигига хизмат қилади. Одамларга муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда кафолатларнинг яхлит ва ўзаро боғлиқ системасини вужудга келтиришни тезроқ ниҳоясига етказиш зарур. Бу система умумий бўлиб, истисносиз барча фуқароларни, уларнинг нима иш билан шуғулланишидан, жинси, ёши, миллати ва қаерда яшашидан қатъий назар қамраб олиши зарур.

Ҳозирдаёқ аниқ қадамлар ташланди. СССР Олий Кенгаши жуда муҳим қонунлар мажмуини қабул қилди. Биз аҳолини иш билан самарали банд қилиш, пенсия таъминотини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, кам таъминланган қатламлар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кучайтириш соҳасидаги тадбирларни рўёбга чиқаришга каттиқ киришдик. Кексалар ва ногиронларнинг турмуш шароитини яхшилашга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир бир мақсадга мўлжалланган умумиттифоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Давлат ёшлар сиёсати рўёбга чиқарилмоқда, доимий яшаш жойларини мажбуран ташлаб кетган аҳолининг айрим гуруҳлари ҳуқуқлари ҳамда уларга бериладиган кафолатларни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш тадбирлари кўрилмоқда.

Мамлакат Президенти жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш юзасидан қарорлар мажмуини қабул қилди.

Турмуш даражаси ва сифатини давлат томонидан бошқариш омилларини аҳоли даромадларини вужудга келтириш юзасидан таклифлар тайёрланди, бунга истеъмол нархлари турмуш қимати ва сўмнинг харид қобилитини ҳисобга олиб компенсация тўлаш ҳам киради.

Бутун диққат-эътиборимизни амалий ишларга қаратишимиз керак. Жумҳуриятлар билан қалин ҳамжиҳатлик асосида ишлашни йўлга қўйиш муҳимдир, чунки хусусан жумҳуриятлар меҳнат ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишда барча ҳуқуқларга эга. Касаба уюшмалари Бутуниттифоқ конфедерацияси билан биз тузмоқчи бўлаётган битимнинг катта аҳамиятини ҳам таъкидлашим лозим.

Мен ҳозирги мураккаб вазиятда қаттиқ тартиб ўрнатилиши лозимлигига чуқур ишонаман, чунки аҳоли турмуш даражасини оширишга доир қарорлар молиявий согломлаштириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш юзасидан марказ билан жумҳуриятлар ўртасида келишилган сиёсат асосидагина қабул қилиниши керак. Акс ҳолда, тузумимизни барбод этамиз, молиявий аҳволимизни барқарорлаштира олмаймиз.

Фалокатга йўлиқишнинг олдини олиш учун иттифоқ ва жумҳурият ҳукуматлари иқтисодиётни барқарорлаштиришга доир илгари режалаштирилган ва келишиб олинган тадбирларни изчил ва сўзсиз равишда рўёбга чиқаришлари керак. Бунда ҳар бир қадам ўлчаб ва ўйланиб босилиши зарур.

Биз бугунги долзарб вазифаларни рўёбга чиқариш билан бирга ҳозирдаёқ бундан кейинги иқтисодий тараққиётимизнинг стратегиясини ҳам белгилаб олишимиз даркор. Аҳвол узил-кесил барқарорлашиши ва бозорнинг ташкил топишини кутиб ўтириш, ундан кейингина стратегик муаммоларни ҳал қилишга кириш

Ҳар кимнинг ўз қараши, ўз қаричи бўлади. Бинобарин, қилаётган ишига, айтаётган сўзига қараб, унинг кимлигини, савиясини англаш қийин эмас. Айни чоқда саваяли киши ҳам аллақандай тазйиқ остида ёки кимларгадир хушомад қилиш маъносида ўз сўзини айтолмаслиги — инсофига хилоф иш тутиши мумкин. Шу хусусда ўйлаганимда, Рашидов ҳақидаги оқ ва қора доғлар кўриниб кетади кўзимга.

86-йилда Узбекистон коммунистларининг XXI съезди бўлди, делегат сифатида мен ҳам қатнашганимдан, айрим лаҳзалар эсимда қолган: эсларманму юрагим увишади. Гдлянининг 84-йилда бошланган «қама-қамашлари», Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми «рағбат»лари сафимиздан минг-минглаб хўжалик раҳбарларини юлиб олиб, авахталарга аёвсиз ташлаётган дамлар эди. Омон қолганларимиз жон ҳовучлаб, съездга етиб келгандик. Съезд ҳам бу гал ҳар галги съездларга ўхшамас, бизни конвойларга ўхшаш аллақандай кишилар бошқариб юришар, инон-ихтиёримиз ўзимизда бўлмаганидан, таниш-билишлар нари турсин, қатто журналистлар билан ҳам очиқроқ гаплашолмасдик. Ҳужжатларимизни съездга киргунча тўрт жойда текширишди. Асабга тегишларини кейин тушундик. Катталаримизга «пахта корупция»сининг йирик арбоблари аталмиш Одилов, Яҳёев, Хван, Рашидов каби кишиларни яқдиллик билан қоралаб беришимиз зарур экан. Тўрда, баландда Усмонхўжаев, Анишчев бошлиқ президиум кишилари кўзларини ҳар биримизга найзадай қадаб, барча ҳаракатларимизни эътибордан қочирмай, таъқиблаб туришарди. Уларнинг хоҳиш-иродасидан ташқари биз ҳеч нарса қила олмас эдик. Навбат Шароф Рашидовични қоралаган қарорни маъқуллашга келганда, биз, кўзи ёшлиларнинг қўлларимиз зилзамбил мандатларни бош узра кўтарди. Кечагидек эсимда, ёнимда ўтирган сариосиёлик Ниёзова фамилияли ёш жувон мандатни кўтардию, ўзини тутолмай, ўкириб йиғлаб юборди. «Нимага йиғлайсиз, сиғиглим, ҳаммага ҳам жон ширин», — дея олдим, холос. Ушанда бу ишдан бош тортган одам, шубҳасиз, рашидовчи аталиб, тўппа-тўғри қамоққа боришн турган гап эди. Съездга руҳсиз таналаримизни бошлаб киришдан муддаолари ҳам асли шу эди, шекилли.

Бугун-чи, бугун демократия, ошкоралик-ку, ундай бўлса, марҳумларга нега тош отаяпмиз, ё «демократия», «ошкоралик» шарофатими бу? Бунақа ишни гўдак қилса, гўдак-да, дейсан. Аммо ёши бир жойга бориб қолган, эсли-ҳушли, маълумотли, қолаверса, академикдай одам қилса-чи? Ёқа ушлайсан ҳайратдан.

Ҳа, аслида ёқа ушлагулик иш бўлди: физика-математика фанлари номзоди Ш. Исматуллаев, техника фанлари доктори А. Пўлатов, Узбекистон ССР Фанлар академияси академиги, СССР ва Узбекистон ССР давлат мукофотлари лауреати Б. Тошмуҳамедовнинг «Известия» рўзномаси 1991 йил 7 январь сонида, («Совет Узбекистони» рўзномаси 11 январь сонида кўчириб) босилган «Хўжайинни қўмсаш ёки Рашидовни оқлаш кимга керак?» мақоласи эълон қилинди.

Шу мақолага қарши биз ҳам савол мазмунида ёндошайлик: «Айтинглар-чи, азиз алломалар, Рашидовни қоралаш кимга зарур бўлиб қолди?.. Рашидовни оқлаш кимга кераклигини сизларга мен айтай: унинг ажойиб хизматларини кўрган, ёзган асарларини ўқиган меҳнаткаш халқ ва кўнгли пок инсонларга керак. Бу жиҳатдан мен самарқандлик ёзувчи Бобомурод Даминовнинг фикрини ва депутатларнинг рўзномаларда чиқишларини қўллаб-қувватлайман.

Икки оғиз сўз ўзим ҳақимда. Сурхон воҳасининг Денов туманида туғилганман, суягим деҳқончиликда қотган. Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг Рашидов вафотидан кейинги, аниқроғи 1983 йилдан раҳбариман. Демоқчиманки, Шароф Рашидовичга (жойларида тинч ётсинлар) насл-насабим тегмаган, у киши улашган мансаб курсиларига етолмай доғда ҳам қолган эмасман. Гапларим холислигидан айтаяпманки, колхозчилар, ишчилар, зиёлилар, оддий меҳнаткашлар орасида депутат сифатида тез-тез бўламан. Улар сўроққа олишади: «Биламиз, раҳбар ҳам, зиёли ҳам мансаб курсисини талашиб, қирпичоқ бўлишади, бир-бирини ёмонотлиққа чиқариш сингари бад ишлардан ўзларини тиймайдилар. Рашидов ҳақида сизнинг фикрингиз қалай? «Ҳамма раҳбарлару зиёлилар ҳам сиз айтганчалик пасткаш эмас, инсофлилари .бор, матбуотни ўқиб бораяпсизми? Паст-баланд, инсофли-инсофсиз баравар талашаяпти. Ҳақ гапни кимлар айтаётганлигини она халқимиз ўзи баҳолаб турибди. Рашидов ҳақида сўз кетганда эса,— дейман уларга, — у кишининг хатоси ҳаммамизники, у кишининг ютуғи эса фақат ўзларимники. Тўғри, бенуқсон — парвардигор, деганлар. Бир вақтлар ҳаммамиз учун ҳам ҳурматли бўлган Рашидов бугун ҳам мен учун ҳурматли. Кеча ўз сўзимда собит турганимдек, энди ҳам «ўз»ликдан кетганим йўқ. Шароф Рашидовичда ҳозир унга отиладиган маломат тошларига асос бўлгули бирор жиддий хатони кўрмаяпман мен.

Рашидов пахта яккаҳокимлигини ривожлантириб, ялловларга чигит эктирди, Оролни қуритди, дейдилар. Келинг, бу ҳақда, яхшиси, атоқли адибимиз Яшинни эшитайлик: «...1983 йил октябрь ойнинг бошида, — деб эслайди Яшин ака.—мен Рашидов қабулида бўлдим. У кишини кайфияти йўқ, тушкун бир қолатда кўрдим. Узаро ҳол-аҳвол сўраганимиздан нейни раҳматли шундай деди: «Бинасизми, ҳозир мени нима қийнаяпти! Орол муаммоси... Узоқ йиллар давомида Оролнинг насибасини пахтага бердик. Бизнинг пахтамиз туфайли СССР билан бошқа социалистик мамлакатлар орасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Бизнинг пахтамиз туфайли Россияда ишсизлик камайди. Биз пахтамиз билан мамлакатни қийнитирдик. Пахтага сарфланаётган сув Сибир дарёлари ҳисобига қопланади, деб ўйлаган эдик, афсуски, умидимиз сароб бўлиб чиқди. Яна шунисси ачинарлики, пахтадан келадиган фойда халқимизнинг турмушини яхшилямади... Биласизми, Яшин ака, агар Оролни асраб қололмасак, нанки жумҳуриятимизни, қўшни миллатларни ҳам хароб этамиз...» Шароф Рашидовни Орол фожиаси ўлдирди,[1] дейди Яшин ака пировардида.

Демак, биз маломат тоши отаётган киши Оролни биздан кам севмаган, пахтадан келадиган даромаднинг озлиги тўғрисида биздан кам қайғурмаган экан. Оролга берадиган сувни пахта майдони аталган бепоён даштларга тараб ташлашдан, пахтазорларни қисқартиришдан бош тортиш, йўқ-йўқ, Рашидовнинг қўлидан асло келмас эди!..

Тўғри, Рашидовни пахта фронтида болалар кучидан шафқатсиз фойдаланишда айблашлари мумкин. Ростини айтганда, болалар — бизнинг дастёримиз. Пахтага ҳақ тўлаганидан далага ҳеч ким ихтиёрий чиқмасди: кунимиз болаларга қолган, улар теримчиларга пахтанинг ҳар килосига 25 тийиндан тўлаш тўғрисида фармон чиқардилар. Шу ҳам пахтакорларга катта мадад бўлиб, болаларини меҳнатдан озод қилганлари ҳолда, етиштирган ҳосилни ўзлари йиғиштириб ола бошладилар. Начора, шундай бўлса-да бир миллион тонна пахтамиз ўтган йили пайкалларда қолиб кетди. Меҳнатга ҳақ тўлаш янада оширилганда, аниқроғи ҳосил ўзининг қийматини топганда, ўша бир миллион тонна ҳам ерда қолмасди. Меҳнатга ҳақни ва маҳсулот қийматини ҳамиша ҳам Марказ белгилаган. Ўша замонда ҳам Рашидов эмас!..

Яна мақолага қайтаман: «Хўжайинни қўмсаш ёки Рашидовни...» Тириклигида «хўжайинни» дейишга ҳеч кимнинг тили бормас эди. Юқорида айтганимдек, «Ҳаммамиз учун ҳурматли Рашидов» деб мурожаат қилишарди. Шу мақола муаллифлари Исматуллаев, Пўлатов, Тошмуҳамедовлар ҳам тириклигида шундай эътироф этган бўлсалар не ажаб. Ўша кунлар ўтдида. Бугун нима жин урдики, кин мардикорлар бўлганлиги учун ҳам уч-тўрт ойлар давомида пайкалларда этак боғлаб юрар эдилар. Эндиликда Марказ пахтанинг килосига тўлайдиган ҳақни тийинлар ҳисобида бўлса-да оширди. Президент И. А. Каримов марҳумларга ёруғлиққа чиқарилмоқда. Жиноят кодексини мавсумбозликка айлантириш керакмас. Шўролар ҳукуматида бунақа мавсумбозликлар бўлган: ўтгизинчи йиллардаги «қулоқ қилиш» оқибатида қўлидан иш келадиган қорни тўқ одамларни, ўтгиз еттинчи ва урушдан кейинги йилларда «халқ душмани» дея энг ақлли зиёлиларни қиргин қилишлар, охиргиси — «қайта қуриш» даврида Ўзбекистонда «пахта иши» мавсумбозлигида ҳўлу қуруқни баравар ёндириш. Оддий деҳқон жиноят қилолмайди, у бўйруқни бажарган. Бўйруқки, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги қудратини жаҳонга кўрсатиб қўйиш учун Ўзбекистонни «олти миллион тоннали» маррага олиб чиқиш йўлида энг юқоридан — Москванинг ўзидан берилган буйруқ. Биз айрим вилоятларнинг кундалик терим миқдори белгиланган қоғозларда жумҳурият раҳбарлари имзосини ҳам кўрдик. Декабрда «кунлик терим» нима қилсин, пахта нима қилсин? Лекин топшириқ бажарилиши шарт. Пахта ўрнига пул топширилган. У пул айланиб яна хўжаликлар кассасига келиб тушган, бироқ маълум қисми «йўл»да райои, вилоят раҳбарлари орасидаги нопок қўлларда қолган. Деҳқонда эмас. Шунга ишонч ҳосил қилгач, ҳақ жойида қарор топиши учун «пахта ишлари»ни бошқатдан бирма-бир кўриб чиқиш бошланди, ҳозир ҳам давом этаяпти. Жумҳуриятда қўшиб ёзишдан чамаси 60—70 миллион сўм ўзлаштирилган, Гдлян гуруҳи айтганидек 4 миллиард эмас! Қўшиб марҳумнинг изидан қаламларининг учини қора қилиб, ҳужумга ўтдилар замонамизнинг бу «яловбардор»лари!

Рашидов замонга зид бирор нолойиқ иш қилган эмас, қилганда бугунги «тирик»лар кўрсатардилар. У ўзимиз сингари замонасоз ва баъзан илғор яшади, узун умрини яхши ишларга сарф этди. «Одамларнинг иниқатда яхшиси у одамларки, — дейилади ҳадиси-шарифда,— умри узун ва имони бутундир, яъни худо анга узун умр берибди ва бутун умри яхши ишлар, билан Худо ва Расул ризоларига сарф бўлибди». Эътибор беринг, кейинги энг яхши ишларда умри ва иши йўғрилиб қолган зот ким десалар, айта оласизми? Бу инсофингизга ҳавола. Биргина пойтахти азимда ўн олти-йигирма қаватли ойнакор кошоналар, жумладан «Ўзбекистон», «Чорсу» меҳмонхоналари, Халқлар дўстлиги иомли санъат саройи, Ленин номли музей, ГУМ, ЦУМ, Шоҳбекат майдонлари, метро ва қоказо йирик иншоотлар бири-биридан сара, асл. Ленинградда Петергоф қадамжосида саккиз юз фаввора жўш урса, бу ерда—Ленин майдонидаги фаворалар дастасининг биттасида икки минг тўрт юз «булоқ» бирваракайига кўкка сапчийди. Тошкент шу қадар мафтункор шаҳарга айлантирилдики, етмишинчи йилларда Иттифоқ конкурси биринчи совриндори бўлди. Кейинчалик ҳам Нью-Йорк, Ленинград, Токио каби яшаш учун энг қулай жойлар сирасига кирадиган 2 миллионли гўзал шаҳар бўлиб қолди у. Аммо кейинги пайтларда хайру баракат чиндан кўтарилиб кетдими, шундай эзгу ишлар ва уларнинг меъморлари ҳақида гапирмайдиган бўлиб қолдик. Нима учундир ахлат титкилашни одатга айлантирдик. Чорак асрдан зиёд Узбекистонга карвонбошилик қилган Шароф Рашидов сиз ва биз билан бирга бу диёр номини қуёш қадар юқорига олиб чиққан бўлса, унга биринчи бўлиб тош отган собиқ раҳбарлар — «карвонбошилар» Узбекистон номини шу қадар ерга уришди, минг-минглаб фарзандларини тутиб қамашди. Ўзлари эса Рашидов бошлаб берган бир-иккита иншоотни ҳам қуриб битказишга қурблари етмай, бирин-кетин меҳроблардан қуладилар... Мақола муаллифларига ва уларнинг ҳомийларига шундай кунлар керак бўлиб қолдими — «хўжайин»ни қўмсаш эмас, шундай кунларни қўмсаб қолишдими?

Яна мақолага қайтамиз: «Биз дадил айта оламизки (нимани дадил айта оласиз? — И. Ф.), айнан у мамлакатда (қайси мамлакатда? — И. Ф.) бошқалардан нўра (кимлардан кўра?—И. Ф. [шахсий манфаатлар йўлида (қанақа шахсий манфаатлар йўлида? — И. Ф.) маъмурий-буйруқбозлик тартибидан (очиқроқ айтинг, шахсан қайси маъмурий-буйруқбозлик тартибидан?— И. Ф.) ажойиб равишда фойдаланди» (қойил-э, саводингизга! — И. Ф.) дейишади учта аллома бирга жўр бўлиб. Муаллифлар ушбу пойнитар-сойнитар жумлалар ила Рашидов маъмурий-буйруқбозлик тартибидан ўз шахсий манфаатларида фойдаланди, дейишмоқчими? Нима қилди у ўзига ёки болаларига: боғ-чорбоғли уй қуриб олдими ёки уруғ-аймоғига «Чайка» машинаси, самолёт олиб бердими? У киши нимани қурган, яратган ёки Марказдан юлиб олган вақтда ишни уддалай билишда.

— Сабаб? Уни тузатиш йўллари?

— Ҳуқуқ институти ташкил этиш мақсадга мувофиқ, факультет бу вазифани бажаролмайди. Бу таклифни айтган эдик, бугун-эрта факультетни институтга айлантириш масаласи ҳал бўлади. Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш курсини ҳам институтга айлантириш лозим.

— Илгари маъмурий маҳкамаларнинг эшити матбуот учун тақа-тақ берк эди. Ҳатто милиция сержантини бадний асарга салбий қаҳрамон қилсангиз ҳам ўтказишмасди. Энди эса бош прокурорга танқид қилинмоқда. Бу, сизнингча, яхшими, ёмонми?

— Икки томони бор. Маъмурий маҳкамаларда ҳам жиноятчилар топилади. Марҳамат, уларни — аниқ одамларни кўрсатинг. «Ҳамма судьялар порахўр» деган каби умумлашма хулоса тўғри бўлмайди. Ёки, суд ҳукмини муҳокама қиладиган фикрлар ҳам ноқонуний. «Вечерний Ташкент» рўзномасининг шу йил 9 январь сонида милиция капитани ўз мақоласида олий суд қарорига эътироз билдираяпти. Фикрлар хилма-хиллиги, эркинлигини ҳукмга, қарорга нисбатан қўллашга йўл қўйиб беришнинг ўзи ноқонуний. Уни фақат юқори маҳкамагина нотўғри деб топиши мумкин. Матбуот айрим майда мақсадлар учун хизмат қилишини истамасдим. Кимнингдир ҳаддан ошганини танқид қилаётган мухбир шу ҳолатга ўзи йўл қўймаса, танқид жамиятни тузатишга хизмат қилади.

— Қонундаги инсонпарварлик жиноятни камайтириш уёқда турсин, унинг жадал ўсишини тўхатишга ҳам қурби етмаяпти. Шўро фуқаролари инсонпарварликни ҳазм қилиш даражасига кўтарилмаган экан, жумҳуриятда ўғрилар, қотилларга нисбатан мустақил қонунчиликда ибтидоий — тан жазоси усулларини белгилаш вақти етмадими?

— Йўқ. Бу усул бизни инсоният тараққиётидан беш-олти аср ортга суриб ташлаган бўлур эди. Бундай жиноятларга нисбатан жазони аниқлаштириш ва кучайтиришга эса тарафдорман. Юқорида гаплашганимиздек, уни жорий этиш ҳаракатидамиз.

— Сизни Охунбобоевнинг невараси дейишади?

— Рост. Хайрихон қизларининг ўғлиман.

— Оилавий аҳволингиз?

— Турмуш ўртоғим мусиқа муаллими, Тошкент муаллимлар институтида дарс беради. Уч қизимиз бор, яқинда тўнғичини узатдик.

— Жумҳуриятимизда ростакам ҳуқуқий давлат қуришда сизларга сабот, омад ёр бўлсин. Ташаккур

Суҳбатдош:
Ҳабибулла ОЛИМЖОН.

1 «Халқ сўзи» газетасининг 1991 йил 22 январь сонидан.

Инсон ва қонун

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚАНАҚА БЎЛАДИ?

УЗБЕКИСТОН ССР АДЛИЯ ВАЗИРИ М. МАЛИКОВ ҲУЗУРИДА БИР СОАТ

— Муҳаммадбобур Мажидович, жумҳурият адлия вазири бўлганингиз билан табриклаймиз. Олий суд раислигидан сўнг бу лавозим кўтарилишми ёки пасайиш, деган саволни бермоқчи эдим, лекин Адлия вазирлигининг тузилиши ва вазифаси тубдан ўзгаражагини эшитиб, саволга жавоб топгандек бўлдим.

— Тўғри жавоб. Энди мендан ўша ўзгаришлар нималигини сўрасангиз керак? Мени бу ишга тавсия қилишаётиб, эски вазирлик бўлганида вазир дарров топилар эди, лекин бу янги вазирлик бўлади, шунинг учун 9 ойдан бери раҳбарликка номзод тополмаяпмиз, дейишди. Вазирликнинг асосий вазифаси — ҳуқуқий снёсатни халққа етказиш. Шу пайтгача бу иш билан ҳеч ким шуғулланмагани оқибатида халқ ҳуқуқий саводсизлигича қолмоқда. Адлия вазирлиги қонун ишлаб чиқарувчи ва сессияга киритувчи идора бўлади. Ҳозирча эса бу вазифани Олий Кенгаш бажариб келмоқда. У ерда эса нуқул ҳуқуқшунослар ишламайдилар, шу сабаб қонун тайёрлашда қийинчиликлар туғилади. Битта мисол. Ҳозир судларнинг боши қотиб турибди: СССР Олий Кенгаши билан жумҳурият Олий Кенгаши чайқовчиликка қарши қонун қабул қилишган, бу икки қонуннинг ўртасида катта фарқ бор: жумҳуриятники — қаттиқроқ.

— Кечирасиз, биз судловда Узбекистон ССР Жиноят кодексига амал қиламиз-ку?

— Ана шу кодексдаги ҳар бир моддага нисбатан Иттифоқнинг тушунтиришлари, қарорлари бор — ўшалардан ҳам четга чиқиб кетолмаймиз. Мана шунақа тафовутлар, тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун Адлия вазирлиги қонун киритиш ташаббусини ўз қўлига олиши керак ва шундай бўлади ҳам.

— Бу жумҳурият қонунларини Иттифоқ қонунларига албатта мутаносиб қилиш деган гапми?

— Мутлақо ундай эмас. Жумҳурият қонунларини мустаҳкамлаш, миллий урф-одату анъаналарни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш деган гап. Масалан, ўтган йили сессияга «миллий низолар замиридаги қотиллик учун жавобгарлик» киритилган эди. Бу, Узбекистон ССР Жиноят кодекси 80-моддасининг 9-банди бўлиб қонунга киритилди: жазо чораси — ўлимгача. Ўзингнага маълум, бугун бизни жиноят гуруҳлари ташвишга солаяпти. Шу сабаб, жумҳурият Жиноят кодексидаги бешолтита моддалар — ўғирлик, босқинчилик, қароқчилик, тонламачилик, таъмагирлик кабилар гуруҳ ёки унинг аъзолари томонидан содир этилганда, улар учун битта: «уюшган гуруҳ томонидан эгалланган» деган моддани жорий этиб, жазо чорасини ўлимгача қўллаш назарда тутилган. Бу таклиф Олий Кенгашга ўтган йил июнда киритилган бўлишига қарамай, ҳануз жавоб йўқ. Машина ўғриларини ҳамон жарима билан жазолаш тажрибаси давом этмоқда эди. Тўртинчи сессияда бу турдаги жиноятга нисбатан жазони кучайтириб қонун қабул қилингани айни муддао бўлди. Шунингдек, бировдан катта пул ундириш мақсадида одам ёки буюмни ўғирлаб гаровга олиш учун қаттиқ жазо белгилайдиган модда тайинлаш тўғрисида ҳам таклиф киритилган. Қисқаси, бугунги Жиноят-кодекси ҳам, Жиноят процессуал кодекси ҳам давр талабига жавоб бермайди. Буларнинг ҳаммасини янгилаш — Адлия вазирлиги ва Олий Кенгашнинг долзарб вазифаси. Ву ишларни бажариш учун Иттифоқ органларининг оғзига қараб ўтириш керакмас, ўзимиз қилишимиз зарур. Ҳуқуқий давлат ўшанда қурилади. Йўқса, етмиш йилда қурилмаган ҳуқуқий давлатни бундан кейин ҳам ғойибдан бировлар келиб қуриб беришмайди.

— Бизнинг судлов системамизда кўп нарса қоришиб кетган кўринади. Уни тартибга солиш ҳақидаги гап гаплигича қолиб кетмоқда. Масалан, терговни бутунлай ажратиб, уни милицияга ҳам, прокуратурага ҳам бўйсунмайдиган мустақил комитет қилиш хусусида баҳслар бўлди. Ожизгина амалий ишларга ҳам қўл урилди-ю, ўлда-жўлда қолиб кетди.

— Фикрингизга қўшиламан. судловни қайта қуриш керак. Терговнинг, қонунчилик бузилмаслигининг назорати битта маҳкамада бўлиши мумкин эмас. Прокуратурани айтаяпман. Фуқарони ҳибсга олишга рухсат (санкция) берган прокурор қонунчилик бузилмаслигини назорат қилишининг ўзи аҳлга сиғмайди: терговда ўша фуқаронинг айби исботланмаса, уни қамашни буюрган прокурор ўзини ўзи жазолайдими?! Судловда ҳозир уч ҳаракат мавжуд: жазо тайинлаш, оқлаш, терговга қайтариш. Учинчиси — аҳмоқона. Терговга қайтариш суд мажлисида эмас, мажлисгача жиноят ишини кўриб чиқишда амалга оширилса — бошқа гап.

Тергов ҳозир учта маҳкамада — милиция, прокуратура, давлат хавфсизлиги қўмитасида. Энди қаранг: милициядаги терговчининг ҳузурига унинг БХСС ёки жиноят қидирув хизматидаги мазкур «иш»ни бошлаган ҳамкасби кириб қулоғига шивирлайди: «Шуни ўтказиб бер». Бунақа ҳолларда жаҳдаги ҳужжатни жиноятчилар билан курашадиган кишилардан олиши лозим? Яккаҳокимлик-бўйруқбозлик йилларида паспорт милицияга ўтган. ОВИР (чет элларга рухсат ва қайд бўлими) ҳам маданиятли мамлакатлардаги каби адлияда бўлиши зарур.

— Сиз билан ҳам адлия вазири, ҳам ҳуқуқшунос раҳбар сифатида суҳбатлашаяпмиз. Олий судда раислик даврингизда «пахта иши» билан жиноий жавобгарликка тортилган 800 дан ортиқ одамни оқладинглар. Мен ҳам бегуноҳ жабрланганларнинг оқланиши тарафдорман, лекин бир нарсани тушунмаяпман: ўша одамлар Узбекистон жиноят мажмуаси бўйича қамалган, сўнг айнан ўша жиноят мажмуаси асосида оқланишаяпти. Қонун снёсатнинг югурдагига айланиб қолмаяптими?

— Йўқ. Снёсатдаги мавсумбозлик қурбонлари ёруғликка чиқарилмоқда. Жиноят кодексини мавсумбозликка айлантириш керакмас. Шўролар ҳукуматида бунақа мавсумбозликлар бўлган: ўтгизинчи йиллардаги «қулоқ қилиш» оқибатида қўлидан иш келадиган қорни тўқ одамларни, ўтгиз еттинчи ва урушдан кейинги йилларда «халқ душмани» дея энг ақлли зиёлиларни қиргин қилишлар, охиргиси — «қайта қуриш» даврида Ўзбекистонда «пахта иши» мавсумбозлигида ҳўлу қуруқни баравар ёндириш. Оддий деҳқон жиноят қилолмайди, у бўйруқни бажарган. Бўйруқки, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги қудратини жаҳонга кўрсатиб қўйиш учун Ўзбекистонни «олти миллион тоннали» маррага олиб чиқиш йўлида энг юқоридан — Москванинг ўзидан берилган буйруқ. Биз айрим вилоятларнинг кундалик терим миқдори белгиланган қоғозларда жумҳурият раҳбарлари имзосини ҳам кўрдик. Декабрда «кунлик терим» нима қилсин, пахта нима қилсин? Лекин топшириқ бажарилиши шарт. Пахта ўрнига пул топширилган. У пул айланиб яна хўжаликлар кассасига келиб тушган, бироқ маълум қисми «йўл»да райои, вилоят раҳбарлари орасидаги нопок қўлларда қолган. Деҳқонда эмас. Шунга ишонч ҳосил қилгач, ҳақ жойида қарор топиши учун «пахта ишлари»ни бошқатдан бирма-бир кўриб чиқиш бошланди, ҳозир ҳам давом этаяпти. Жумҳуриятда қўшиб ёзишдан чамаси 60—70 миллион сўм ўзлаштирилган, Гдлян гуруҳи айтганидек 4 миллиард эмас! Қўшиб ёзиш тазйиқ остида амалга оширилган. Бунн эса жиноят деб аташ нотўғри.

— Хизмат юзасидан баъзан суд мажлисларида қатнашишга ҳам тўғри келади. Энг йирик иуқсон — 99 фоиз ҳолларда суд белгиланган вақтда, 70—80 фоиз ҳолларда белгиланган кунда бошланмайди. Интизомсизлик, тўрачилик — чўққида. Энг ёмони — суд ҳайъати аъзолари бунга одатий ҳол деб кўникиб қолишган.

— Унн изга солиш бевосита Адлия вазирлигиннг вазифаси. Айтганингиздек, йиллар давомида шакланиб қолган «одат»ни бузишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Нуқсоннинг илдизи яна ўша ҳуқуқий саводсизликка бориб тақалади. Фақат бунда умуман халқни эмас, бевосита ҳуқуқшуносларнинг ўзларини ва район, шаҳар раҳбарларини назарда тутаяпман. Судга ҳурмат остонадан; биноданн бошланади. Суд биноларини қаранг, қамоқхонадан фарқи кам. Яқинда Чилонзор район кенгашининг раиси О. Исмоилов ташаббуси билан халқ судига янги, шинам бино ажратиб берилди. Қани энди бошқа раҳбарлар ҳам Олим Жўраевичга ўхшаб муносабатни ўзгартиришса! Иккинчидан, интизомсизликка судьяларнинг савияси пастлиги, ўз ишини ва ўзини ҳурмат қила билмаслиги сабаб. Мен столи устида қоғоз уйилиб ётган ҳар қандай ходимни яхши ходим деёлмайман: унда ички маданият, ишни режалаш — қўлга олиш иқтидори йўқ. Мен судьялар шанба ва якшанбада ишласин демайман, қоронги тушганда ишлашни эса қонун ман этади, гап белгиланган вақтда ишни уддалай билишда.

— Сабаб? Уни тузатиш йўллари?

— Ҳуқуқ институти ташкил этиш мақсадга мувофиқ, факультет бу вазифани бажаролмайди. Бу таклифни айтган эдик, бугун-эрта факультетни институтга айлантириш масаласи ҳал бўлади. Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш курсини ҳам институтга айлантириш лозим.

— Илгари маъмурий маҳкамаларнинг эшити матбуот учун тақа-тақ берк эди. Ҳатто милиция сержантини бадний асарга салбий қаҳрамон қилсангиз ҳам ўтказишмасди. Энди эса бош прокурорга танқид қилинмоқда. Бу, сизнингча, яхшими, ёмонми?

— Икки томони бор. Маъмурий маҳкамаларда ҳам жиноятчилар топилади. Марҳамат, уларни — аниқ одамларни кўрсатинг. «Ҳамма судьялар порахўр» деган каби умумлашма хулоса тўғри бўлмайди. Ёки, суд ҳукмини муҳокама қиладиган фикрлар ҳам ноқонуний. «Вечерний Ташкент» рўзномасининг шу йил 9 январь сонида милиция капитани ўз мақоласида олий суд қарорига эътироз билдираяпти. Фикрлар хилма-хиллиги, эркинлигини ҳукмга, қарорга нисбатан қўллашга йўл қўйиб беришнинг ўзи ноқонуний. Уни фақат юқори маҳкамагина нотўғри деб топиши мумкин. Матбуот айрим майда мақсадлар учун хизмат қилишини истамасдим. Кимнингдир ҳаддан ошганини танқид қилаётган мухбир шу ҳолатга ўзи йўл қўймаса, танқид жамиятни тузатишга хизмат қилади.

— Қонундаги инсонпарварлик жиноятни камайтириш уёқда турсин, унинг жадал ўсишини тўхатишга ҳам қурби етмаяпти. Шўро фуқаролари инсонпарварликни ҳазм қилиш даражасига кўтарилмаган экан, жумҳуриятда ўғрилар, қотилларга нисбатан мустақил қонунчиликда ибтидоий — тан жазоси усулларини белгилаш вақти етмадими?

— Йўқ. Бу усул бизни инсоният тараққиётидан беш-олти аср ортга суриб ташлаган бўлур эди. Бундай жиноятларга нисбатан жазони аниқлаштириш ва кучайтиришга эса тарафдорман. Юқорида гаплашганимиздек, уни жорий этиш ҳаракатидамиз.

— Сизни Охунбобоевнинг невараси дейишади?

— Рост. Хайрихон қизларининг ўғлиман.

— Оилавий аҳволингиз?

— Турмуш ўртоғим мусиқа муаллими, Тошкент муаллимлар институтида дарс беради. Уч қизимиз бор, яқинда тўнғичини узатдик.

— Жумҳуриятимизда ростакам ҳуқуқий давлат қуришда сизларга сабот, омад ёр бўлсин. Ташаккур

Суҳбатдош:
Ҳабибулла ОЛИМЖОН.

БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ— ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қўшимча бюллетень киритилишини муқобил референдум ўтказиш деб ҳисобламаслик керак. Унинг моҳияти референдумдаги асосий саволнинг маъносини яна бир марта аниқроқ тушунтириб беришдан иборат, шунинг учун ҳам у қўшимча бюллетень деб номланган. У Узбекистон халқлари ўз хоҳиш-иродасини билдиришини энг тўла даражада таъминлашда кўмаклашади, уларга республиканинг келажакдаги тақдирига ўз муносабатларини қулай ва содда тарзда билдириш имконини беради. Бу ерда ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам зиддиятлар йўқ, чунки янги бюллетень асосий бюллетеннинг мазмунини истисно этмайди, уни тўлдиради, холос.

Республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери қатъиян ўзгариши лозимлиги ҳозир ҳаммага равшан. Янги иттифоқ шартномаси тайёрланмоқда, у мустақил республикалар ўртасидаги муносабатларнинг характерини ва қоидаларини белгилаб, аниқлаб бериши лозим.

Бизнинг республикамизга келганда эса, бизнингча, жумҳуриятимиз аҳолисининг кўпчилиги Узбекистоннинг янгиланган иттифоқ таркибида қолишидан манфаатдор. Кўп йиллар давомида таркиб топган системани бузиб ташлаш мамлакатни иқтисодий тартибсизлик ўпқонига дучор қилишдан иборатлигини халқимиз жуда яхши билади. Биз Узбекистон келгусида суверен мустақил республика бўлиб қолиши, ўз қаётининг барча ҳам ички, ҳам халқаро масалаларини мустақил ҳал этиши, мустақиллик тўғрисидаги декларацияда таъкидланганидек, республикамиз барча ерости бойликларини, халқ меҳнати натижаларини, республикада барпо этилган иқтисодий қувватларни мустақил тасарруф этиши тарафдоримиз.

Шу билан бирга биз бошқа республикалар билан мустаҳкам иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз, бу республикалар билан ягона иқтисодий имкониятларимиз мавжуд. Биз марказда барча республикалар номидан бажариш мақсадга мувофиқ бўлган ваколатларимиз муайян доираси иттифоққа берилиши тарафдоримиз. Бу аввало иттифоқ таркибига кирадиган барча республикаларнинг мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш, ягона транспорт иншоотларига, алоқа воситаларига, энергетика системаларига, федерациянинг барча аъзолари учун муштарак манфаатли бўлган айрим бошқа йўналишларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ваколатлардир.

Юқорида айтилганлар муносабати билан асосий ва қўшимча бюллетенларда баён қилинган саволларнинг моҳияти ва мазмунини фуқароларга тушунтиришга алоҳида аҳамият бермоқ зарур. Маҳалий Советлар, оммавий ахборот воситалари аҳолининг барча табақалари орасида фаол ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини авж олдириши зарур. Шу мақсадда белгиланган барча тадбирларни аниқ ва уюшқоқлик билан бажариш, қонун талабларига қатъий ва оғишмай риоя этиш ҳам муҳимдир.

Ҳозир республикада референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари тузилди ва иш бошлади. Улар 17 март куни овоз беришда қатнашадиган фуқароларнинг рўйхатини тузмоқдалар, катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Республика вилоятларида комиссияларнинг аъзолари, халқ депутатлари, фаоллар билан референдум ўтказишнинг асосий масалалари юзасидан бир қанча семинар-кенгашлар ўтказилди, аниқ ҳаракат дастури белгиланди ва амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан барча маҳаллий Советларга, давлат ва жамоат идораларига, ташкилотларга, республика аҳолисига мурожаат қилиб, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда бевосита ва фаол иштирок этишни тилайман. Ҳозирги пайтда ҳар биримиз мамлакатнинг, республиканинг тақдири, келажаги ўз қўлимизда эканлигини тушуниб етмоғимиз лозим.

Қ. АҲМЕДОВ,
СССР референдуми ўтказувчи Узбекистон ССР комиссиясининг раиси.

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Узбекистон ССР халқ депутати, Сурхондарё вилояти Денов районидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

Абдуғаниевичнинг фикри ёки ишларига ҳам «ислоҳ» киритувчи ёки «танқид» қилувчилар бўлса, бугунок айтсинларки, бу, элга

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

НОМАНГКИ, ЭРУР БОИСИ ИҚБОЛУ ТАРАБ,
ЕТКУРСА ТАРАБ МЕНИ ҲАЗИНҒА НЕ АЖАБ,
ЕЛҒУЗ МЕНДИН КЕТАРМАДИ РАНЖУ ТААБ
КИМ, БУЛДИ БАСЕ ХАЛҚ ҲАЕТИҒА САБАБ.

Ширинсўз фармацевт

Олтиариқ районидаги 13-дорихона ходими Юсуфжон Собиров мижозлар билан доимо ширин мулоқотда бўлади, эринмай маслаҳатлар беради, иложи борича рецептдаги дори-дармоқларни топишга ҳаракат қилади. У Қўқон шаҳридаги медицина билим юртининг фармацевтика бўлимини муваффақиятли тамомлаб, район марказий дорихонасида иш бошлагач, хизмат яхшиланди. Жумладан, уч ёшгача бўлган болаларга дори-дармон берадиган алоҳида бўлим ташкил қилинди. Улуғ Ватан уруши инвалидларининг уйларига бориб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу ишларда фармацевт Ю. Собировнинг катта ҳиссаси бор, албатта.

Раъно ҲАЛИМОВА.

Фарғона вилояти.

Хоразм вилоятидаги Наримонов номли жамоа хўжалиги аъзолари яқинда хўжаликнинг 60 йиллик тўйини нишонлашди. Тантаналарда жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ориқ Отажонов, «Лазги» ансамбли бадиий раҳбари Раҳматжон Қурбонов ва бошқа кўплаб хонандаю раққосалар куй-қўшиқ, рақслари билан меҳнаткашлар хизматида бўлишди.

СУРАТДА: юбилей тантаналаридан лавҳалар.

Жумабой ҚОЗОҚ суратга олган.

АВИАТОРЛАР ШАҲАРЧАСИ

Урганч авиаторлари ўзлари учун турар жой шаҳарчаси қуришга киришдилар. Шаҳарча аэровокзал комплекси ёнида бунёд этилмоқда.

Урганч авиакорхонаси бу ерда якка тартибда қурилаётган ўнлаб уйларнинг инженерлик коммуникацияларни ҳақини ўз ҳисобидан тўлаш мажбуриятини олди. Уй қураётган ҳар бир кишига авиакорхона жамғармасидан саккиз минг сўм қарз ажратилди. Янги турар жой шаҳарчасини ривожлантиришнинг бош режасига мувофиқ икки йилдан кейин бўш ётган ерларда бир неча кўп қаватли ва ўнлаб якка тартибдаги уйлар қад кўтаради. Бу ерда маданий-маърифий ва тиббий муассасалар қурилиши ҳам назарда тутилган.

Урганч аэропортида яқинда рўй берган ёнғин ўйланган режаларни амалга оширишга халақит бермайди.

Хоразм авиаторлари узоқ йиллар мобайнида жуда камдан-кам квартира олишарди. Шу сабабли ўткир ижтимоий муаммони ҳал қилишга авиаторлар жамоасининг ўзи киришди. Тўғри, дастурни рўёбга чиқариш учун анча маблағ керак бўлади. Лекин, Урганч бирлашган авиаотряди командири В. Хоменюнинг фикрига қараганда, ғарф-харажатлар ўрни тез орада қопланади. Зотан ижтимоий-иқтисодий дастурни бажариш вазифаси ишлаб чиқариш натижаларига мустаҳкам боғлиқдир.

(ЎзТАГ).

Янги рукн: муштарийлар билан савол-жавоб

НЕГА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

«Халқ сўзи»га ҳар куни юзлаб мактублар оқиб келаяпти. Улар орасида турли-туман саволлар билан битилган хатлар ҳам анчагина. Янги рукн — «Муштарийлар билан савол-жавоб» худди шулар асосида тузилди.

Азиз дўстлар, бизга истаган саволларингизни ёзиб юборинг. Уларга нафақат рўзномамиз ходимлари, балки олимлар, қатор вазирликлар, маҳкамалар, муассасаю идораларнинг масъул ходимлари, мутахассислари ҳам жавоб беришади.

Мактубларингизни кутамиз!

* * *

Ўзбекистон қайси хорижий давлатлар ҳамда қардош жумҳуриятлар билан чегарадош! Республикамиз, унга чегарадош ўлкаларнинг майдони, аҳолиси хусусида маълумотларни билсак бўладими!

И. ҲОТАМОВ.

Бухоро шаҳри.

Тошкент давлат университети аҳолишунослик илмий лабораториясининг мудири, иқтисод фанлари номзоди Мамлакат БУРИЕВА:

— Урта Осиё марказий ва шимолий қисмлари жойлашган бизнинг жумҳуриятимиз шимол ва шимоли-ғарбда Қозоғистон, жануби-ғарбда Туркманистон, жануби-шарқда Тожикистон, шимоли-шарқда Қирғизистон, жанубда эса Афғонистон билан чегарадош.

Қуйидаги жадвалда ушбу ўлкаларнинг аҳолиси, майдони акс эттирилган:

жумҳуриятлар	аҳоли сони (минг киши)	майдони (минг кв. чақирим)
Ўзбекистон	19.906	447,4
Афғонистон	21.033	647,5
(БМТ тахминига кўра)		
Қозоғистон	16.538	2717,3
Қирғизистон	4.291	198,5
Тожикистон	5.112	143,1
Туркманистон	3.534	488,1

* * *

Ўзбекистонда ўзбеклар сони қанча! Ҳар бир вилоятда неча нафар ўзбек яшайди! Совет Иттифоқида-чи! Хорижда-чи!

И. САМАДОВ.

Булунғур райони.

Ушбу саволга ҳам М. Бўриева шундай жавоб беради:

— Жумҳуриятимизда 14 миллион 142 минг 475 ўзбек яшайди. Улар вилоятлар бўйича қуйидагича тартибда жойлашган:

Самарқанд — 1 миллион 764 минг 001
Фарғона — 1 миллион 735 минг 011
Андижон — 1 миллион 506 минг 993
Қашқадарё — 1 миллион 399 минг 238
Намаган — 1 миллион 252 минг 218
Бухоро — 1 миллион 226 минг 967
Тошкент — 1 миллион 75 минг 486
Сурхондарё — 993 минг 244
Хоразм — 957 минг 623
Тошкент шаҳри — 910 минг 334
Жиззах — 572 минг 921
Қорақалпоғистон — 397 минг 826
Сирдарё — 350 минг 613 нафар

Совет Иттифоқидаги ўзбекларнинг жами сони 16 миллион 697 минг 825, жумладан

Тожикистонда 1 миллион 197 минг 841
Қирғизистонда 550 минг 96
Қозоғистонда 332 минг 17
Туркманистонда 317 минг 333
РСФСРда 126 минг 899
Украинада 20 минг 333
Белоруссияда 3 минг 537
Литвада 1453
Молдовада 1391
Озарбайжонда 1379
Гуржистонда 1305
Латвияда 925
Эстонияда 595
Арманистонда 246

ўзбек яшайди.

Жаҳондаги ўзбекларнинг умумий сони 18 миллионга яқин бўлиб, шундан 90,1 фоизи СССРда, 9,8 фоизи Афғонистонда, қолганлари эса Шарқий Туркистон, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Олмония ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилади.

* * *

Темур бобомиз Шаҳрисабзда туғилганми ёки Самарқандда!

Ш. АКРАМОВ.

Олтиариқ.

* * *

— Амир Темур (1336—1405 йиллар) Яккабоғ районидаги Хўжаилғор қишлоғида (Шаҳрисабзга яқин жойда) таваллуд топган.

* * *

Жумҳуриятимиз пойтахти жаҳондаги қайси шаҳарлар билан биродарлашган!

И. СОБИРОВА.

Навоий шаҳри.

— Скопле (Югославия), Патиала (Ҳиндистон), Тунис (Тунис), Марокко (Марокаш), Карочи (Покистон), Триполи (Ливия), Сиэтл (АҚШ), Кортрейк (Бельгия) шаҳарлари билан.

* * *

Тошкентдан хориждаги нечта мамлакатга телефон қилса бўлади! Ва бу хизмат қай йўсинда бажарилади! Дақиқасига қанча ҳақ тўланади!

Ҳ. ҲАМИДОВ, Б. СОЛИҲОВ,
Тошкент давлат университети студентлари.

Тошкент телефон-телеграф станциясининг масъул ходими **Галина НАЗАРОВА:**

— Ўзбекистон пойтахтида жаҳондаги 150 дан зиёд давлатга сим қоқиш мумкин. Агар АҚШ, Олмония, Исроил, Италия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан бевосита алоқа боғланса, Афғонистон, Покистон, Эрон, Мисрга Москва орқали чиқилади.

Тошкентдан чет элга сим қоқишни истовчилар 44-39-41 телефони орқали халқаро телефон алоқаси хизматига буюртма беришлари керак.

Болгария, Венгрия, Олмания (Берлин), Польша, Югославия, Чехословакияга эса код орқали сим қоқиш мумкин (ҳозирча ушбу имкониятдан 34, 35, 40, 54, 57, 58, 61, 62, 63, 65, 67, 68, 92, 93, 97 ҳамда 98-автомат телефон станциялари (АТС) абонентлари фойдалана олишади. Бунинг учун аввало «8» рақами, узун ҳуштакдан кейин «10» рақами ва сўнгра мамлакатнинг, кейин эса шаҳарнинг ва охирида сизга керак бўлган абонентнинг телефон номерлари терилади.

Кодлар қуйидагича:

Болгария — 359,	София — 2;
Венгрия — 36,	Будапешт — 1;
Олмония — 37,	Берлин — 2;
Польша — 48,	Варшава — 22;
Югославия — 38,	Белград — 11;
Чехословакия — 42,	Прага — 2.

Энди сўзлашувга тўланадиган ҳақ хусусида. (1991 йилнинг 1 январидан бошлаб, СССР Президентининг Фармони ва СССР Алоқа вазирлигининг кўрсатмасига биноан хориж билан телефон сўзлашуви нархи икки бараварга оширилди);

Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия — дақиқасига 2 сўм

Афғонистон — 4 сўм,
Олмония, Югославия — 6 сўм,
АҚШ, Исроил — 12 сўм.

Халқаро телефон алоқаси хусусида янада батафсил маълумот олиш учун 44-39-31 сим қоқиш лозим.

* * *

Айримлар Рашидовнинг хоки Жиззахга олиб кетилган дейишса, бошқалари Тошкентнинг ўзида қолдирилган дейишади. Аслида-чи!

С. МАМАДАЛИЕВ.

Балиқчи райони.

Маълумки, Шараф Рашидов дастлаб Тошкентнинг марказига — Ленин музейи қаршисидаги хиёбонга дафн этилганди. Кейин эса унинг хоки Чиғатойдаги коммунистлар қабристонига (Тошкент шаҳри) кўмилган.

Америкалик аллақандай машҳур хонанда мусулмон динини қабул қилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Л. ИСКАНДАРОВА.

Пахтачи.

Таниқли эстрада юлдузи, миллионер Майкл Жексон (АҚШ) ҳақиқатан ҳам ислом динини қабул қилди ва янги масжид қурилиши учун ўз ҳамёнидан 40 миллион доллар ажратди.

* * *

Жумҳуриятимизда нечта масжид бор! Жиззах шаҳрида ҳашар йўли билан қурилган илкин масжид, 1984 йилда бўлса керак, аниқ партия комитети томонидан тортиб олиниб, ўлкашунослик музейига айлантирилганди. У не учун ҳанузгача халққа қайтарилмаган!

Ш. АКРАМОВ.

Бухоро райони.

Урта Осиё ва Қозоғистон Диния бошқармаси раисининг ноиби **Зоҳидхон ОТАХОН ўғли:**

— 1989 йилнинг бошида Ўзбекистонда атиги 85 та жомеъ масжиди мавжуд эди. Сўнгги икки йил мобайнида масжидлар сони кескин ўсиб, 300 тадан ошди.

Жиззахдаги сиз айтган ўша масжид халқнинг талаб-истаги билан ҳақиқий эгаларига қайтарилган.

* * *

Саволимиз антиқароқ: айтинглар-чи, Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб нечта шахсий машина мавжуд!

Б. САФАРМУРОДОВ,
К. НОСИРОВА.

Урганч.

Республика давлат автоинспекцияси техник бўлимининг катта инспектори, милиция капитани **Абдулҳамид АБДУЛХАЛИЛОВ:**

— Ўзбекистонда ҳозир 896 мингта шахсий енгил автомашина ва 622 мингта мототранспорт бор.

Шу жумладан:

«Жигули» (06 ва 01) — 344 минг
«Жигули» (08 ва 09) — 23 минг
«Москвич-412» — 300 минг
«Запорожец» — 104 минг
«ГАЗ-24» — 24 мингта.

Қолганлари эса турли маркали машиналар бўлиб, улар орасида янги «Москвич», «Таврия», «Тойота», «Мерседес» ва ҳоказолар мавжуд.

* * *

Ростми-ёлғонми, аниғини билмаймиз: яқинда дунёдаги энг новча одам вафот этибди... У ҳақда гапириб берсангиз.

И. РАҲМОНҚУЛОВА.

Хўжайли.

Рост. Бўйи 2 метр 70 сантиметр бўлган бу одам (унинг исми шарифи Габриэл Мондланс эди) бундан бир неча ҳафта илгари 45 ёшида оламдан ўтди. У Мозамбик пойтахти Мапуту шаҳрида истиқомат қиларди.

* * *

Тошкентдан Москвага самолёт 3 соату 50 дақиқа учади, лекин Москвадан Тошкентга 3 соату 25 дақиқада етиб келади. Бунинг боиси нимада!

Т. ИСМОИЛОВ.

Пайариқ райони.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Анатолий ТАРСУКОВ:**

— Бунга ғарбий, шимоли-ғарбий шамол сабабчи. Тезлиги соатига гоҳо 200 километр бўладиган ушбу шамол Москвага учиб кетаётган самолётнинг парвозига катта таъсир кўрсатади.

Анвар ЖЎРАБОЕВ тайёрлаган.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

Ҳурматли ўртоқ муҳаррир!

«Халқ сўзи» рўзномасининг 22 февраль сонида севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг неваласи, танқидчи ва адабиётшунос Шеркон Қодирийнинг «Марҳум ёзувчи панохидаги ном» мақоласи эълон қилинибди. Мақолада шундай жумла бор: «Югур-югур қайтадан бошланди (гап СССР Давлат мукофотига қўйилган Иззат Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари» спектакли ҳақида кетаяпти). Ниҳоят, Ёзувчилар уюшмаси кўмагида спектакль А. Қодирий, И. Султон ва... ижрочилар СССР Давлат мукофоти номзодларидан олиб ташландилар».

Ҳақиқатан, Қодирий авлодлари И. Султоннинг драмасидан қониқмаган ва спектаклни СССР Давлат мукофотига қўйишгина эмас, ҳатто саҳнадан олиб ташлашни кўпдан бери талаб қилиб келаётган эдилар. Бу ишни судга ҳам оширганлар.

Шундай бир вазиятда Қодирий оиласининг қатъий талабини инобатга олиб, токи масалани суд кўриб чиқмагунча бу ишга аралашишни Ёзувчилар уюшмаси лозим деб топмади.

Давлат мукофоти низомида айтилганидек, спектаклни Маданият министрлиги тавсия қилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси спектакль номзодини олиб ташлашга ҳеч қачон аралашмаган.

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

73-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДА МИНСК ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ

Заёмнинг аллик бир разрядидаги серия ва облигациялар нинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200959	1—100	300
201307	067*)	2500
201811	1—100	300
202447	1—100	300
203057	1—100	300
203177	1—100	300
203466	077*)	1000
204771	100*)	1000
204867	010*)	5000
205047	100*)	5000
205075	084*)	5000
205605	045*)	10000
206425	054*)	5000
206797	1—100	300
206806	1—100	300
207304	1—100	300
207365	072*)	2500
207696	1—100	300
207792	1—100	500
209733	064*)	25000
210527	1—100	300
211108	021*)	5000
211155	061*)	2500
211744	087*)	2500
211755	035*)	1000
211988	030*)	2500
212967	084*)	2500
213433	1—100	300
213459	068*)	2500
213980	1—100	300
214628	080*)	5000
215039	090*)	1000
215139	040*)	25000
215390	1—100	500
215656	1—100	300
215919	093*)	2500
216496	1—100	300
216531	1—100	300
217042	013*)	5000
217853	001*)	2500
218145	1—100	300
218268	012*)	2500
218649	1—100	300
219210	1—100	300
219486	097*)	2500
221482	1—100	300
222627	029*)	2500
222672	1—100	300
222784	1—100	300
224728	044*)	5000
225998	039*)	5000
226265	1—100	300
227861	060*)	2500
227975	1—100	500
228032	029*)	5000
229334	018*)	2500
229572	1—100	500
230027	060*)	5000
230219	1—100	300
230596	1—100	300
230641	044*)	5000
230752	1—100	500
230825	024*)	1000
231633	041*)	2500
231713	067*)	10000
232100	012*)	25000
232849	027*)	2500
232861	1—100	300
233945	1—100	300
233996	093*)	1000
234146	1—100	300
234394	036*)	2500
234410	066*)	10000
237228	1—100	500
238931	1—100	500
240357	1—100	500
240474	083*)	2500
240694	024*)	1000
241123	1—100	500
241138	1—100	500
241918	1—100	300
242762	049*)	1000
242857	1—100	300
242864	1—100	500
242919	017*)	2500
243202	013*)	5000
243331	1—100	500
244125	1—100	300
244632	047*)	10000
245254	078*)	1000
245651	071*)	2500
245719	1—100	300
247318	025*)	5000
247430	079*)	5000
248239	1—100	300
248678	1—100	300
248730	1—100	300
249354	1—100	300
249605	1—100	300
250290	030*)	5000
251438	1—100	300
251563	069*)	1000
252109	1—100	500
252707	003*)	2500
253117	042*)	2500
253246	071*)	5000
253407	1—100	300
253508	029*)	2500
253646	1—100	300
253803	1—100	300
253863	032*)	2500
254049	1—100	300
254331	039*)	5000
254377	068*)	1000
254457	027*)	1000
254696	016*)	1000
254847	1—100	300
255090	062*)	10000
255861	1—100	300
256300	1—100	300
256379	063*)	10000
256703	076*)	5000
258288	1—100	300
258941	099*)	5000
259649	024*)	5000
260095	1—100	300
260552	100*)	10000
260642	005*)	2500
260659	075*)	2500
261003	008*)	2500
261697	069*)	5000
262052	024*)	5000
262408	091*)	2500
262620	058*)	1000
262932	008*)	5000
263398	061*)	2500
265157	1—100	300
266691	080*)	2500
266743	1—100	300
266917	1—100	300
267055	090*)	2500
267800	081*)	25000
268429	066*)	2500
268609	1—100	300
269186	098*)	1000
272813	021*)	2500
273311	042*)	5000
273945	002*)	2500
274709	070*)	5000
274731	1—100	300
274994	062*)	2500
276884	029*)	2500
277421	028*)	5000
277425	1—100	300
277901	020*)	2500
278846	1—100	500
279265	083*)	2500
279864	020*)	10000
280493	025*)	1000
280740	1—100	500
280756	087*)	2500
281041	011*)	1000
281295	1—100	300
281394	058*)	1000
281828	084*)	2500
281939	1—100	300
282004	1—100	300
282322	1—100	300
282761	1—100	300
282830	090*)	2500
283161	1—100	300
283311	075*)	1000
284239	001*)	1000
284252	1—100	300
285961	025*)	5000
287178	1—100	300
287889	063*)	5000
288229	024*)	2500
288344	072*)	5000
290268	097*)	5000
290310	081*)	10000
290474	1—100	300
290700	1—100	500
290807	038*)	2500
292530	1—100	300
293597	1—100	300
293629	1—100	500
294344	070*)	2500
294722	1—100	500
295308	064*)	2500
295460	030*)	25000
295931	1—100	300
296262	1—100	500
296775	1—100	300
297361	033*)	2500
297939	063*)	5000
298075	086*)	10000
298336	058*)	2500
298863	1—100	300
299425	090*)	2500

*) Шу серияда облигацияларнинг қолган 99 номерига 300 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 300, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 600, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 1000, 2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 300 сўм чиқади ва облигация бўйича 1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сонқ чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Минск шаҳар кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари — П. Г. НИКИТЕНКО.

Тираж комиссиясининг масъул котиби Е. И. РЕМИНА.

ЛАЗЕР... ХАТНА ҚИЛАДИ

Муҳтарам муштарий сарлавҳани ўқиб «бунинг нимаси янгилиги!» деган фикрга бориши мумкин. Чунки хатна мусулмон мамлакатларида асрлар бўйи адо этиб келинаётган муқаддас удумлардан биридир. Жаҳолатни қарангки, тиббий нуқтаи назардан инсон саломатлигининг, озодлигу жисмоний баркамолликнинг зарурий шарти бўлган ана шу одатимизни ҳам «диний, ҳурофий» деб қоралаб, масхаралаб келдик. Гарчанд ўттизинчи йилларда, ҳатто яқиндагина юз берган таъқиқу тазйиқлар бу русумни очиқ-ошкора, тиббиёт ва орасталик қоидалари асосида бажаришга монелик қилган бўлса ҳам, хайриятки мусулмон ўғлонлари орасида «қўли ҳалолланмаган» йигитни учратиш амри маҳол. Бу миллий урфимиз, дину имонимизга садоқат ва эътиқод белгиси, албатта.

Бироқ ана шу русумимизни шу кунларгача партиявий мафкура оқсоқоллари назаридан яшириб, ичи-жимида қилиб келаётганлигимиз кўпгина қолларда ўнгланмас хатоликларга, бедаво хасталикларга сабаб бўлаётганлигини айтмаслик мумкин эмас.

Жарроҳлик тажрибамда ана шундай нохуш воқеаларга кўп дуч келганман. Қўлн енгил, тажрибали, ҳалол-покиза усталарга эътирозимиз йўқ. Улар халқ раҳмату миннатдорчилигига сазовор. Бироқ билиб-билмай, етарли малакага эга бўлмасдан ана шу ишга қўл урган айрим сохта усталар ўғлонларнинг соғлиғига оғир шикаст етказишади, уни келгусидаги бахтли оилавий ҳаётдан маҳрум қилиб қўйишади.

Кафедрамиз олимлари ана шу жарроҳлик муолажасини фақат шифохонада, тажрибали жарроҳлар ёрдамида бажариш зарурлиги ҳақида қатор йиллардан бери изчил тарғибот-тушунтириш ўтказиб келишаяпти. Натижада кўп отаоналар сартаросга эмас, шифокорларимизга мурожаат этадиган бўлишди. Ўз навбатида шифокорларимиз ҳам бу борадаги илмий-амалий изланишларни давом эттирдилар.

Ана шу изланишлар самараси ўлароқ кафедрамизда хатна қилишнинг мутлақо янги усули ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ана шу жарроҳлик тадбирини лазер ёрдамида амалга оширишга киришдик.

Янги усулнинг афзалликлари шундаки, операция муддати 3-4 баравар қисқарди, қонни тўхтатиш учун қўйиладиган малҳамга ҳам, жарроҳат ўрнини тикишга ҳам ҳожат қолмади. Бу усул аввало ўғлонлар саломатлиги учун мутлақо зарарсиз бўлиб, жароҳат тез битади, иккинчидан бу нозик жарроҳлик тадбирининг юз фоиз асоратсиз ўтишига кафолат беради. Ҳозиргача юзга яқин операция ўтказилди.

Кафедрамизда «Мойчечак-1» деб аталувчи шу мўъжизакор лазер наштар ёрдамида болаларнинг бошқа касалликлари ҳам муваффақиятли даволанмоқда. Москвадаги лазер табобати маркази билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Келгусидаги режамиз кафедра заминида вилоятлараро лазер табобати марказини очишдан иборат.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Самарқанд тиббиёт институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, профессор.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Аннар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУКОН, Тоиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Индекс: 64608. 4907 буюртма.
Босишга топширилди 24.10.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12